



№70-71
2019-yil, 1-sentabr
Yakshanba (32.561)

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta
1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

Биз маънавият ва маърифат
ишини ватанпарварлик иши,
виждон иши, деб биламиз.
Виждони, маънавияти бор
инсон Ватанни албатта яхши
қўради. Виждон, маънавият
дегани – халққа, Ватанга
чин юракдан хизмат қилиш
деганидир.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Мана шу қувончли айёмда сиз, азизларни, қўлмиллатли бутун
халқимизни Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан табрик-
лашга ижозат бергайсиз.

Бундан йигирма саккиз йил олдин Биринчи Президентимиз,
муҳтарам Исмоил Абдуғаниевич Каримов халқимиз ва жаҳон ҳам-
жамиятига Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини
эълон қилди.

Ўтган қисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз машаққатли, шу
билан бирга, шарафли истиқлол йўлини босиб ўтди.

Бугун бир ҳақиқатни катта гуруҳ ва ифтихор билан айтиш-
га тўла асосимиз бор: мард ва матонатли халқимиз қанчалик
қийин ва оғир синовларга дуч келмасин, ўзининг мустақкам
иродасини намоён этиб, ўзи танлаб олган мустақиллик йўлига
доимо содиқ бўлиб келмоқда.

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қа-
дам қўймоқда. Мамлакатимизни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ
ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлаш асосида Ўз-
бекистоннинг янги, демократик қиёфаси яратилмоқда. Бу борада
Харакатлар стратегиясида белгилаб берилган «Миллий тикла-
нишдан – миллий юксалиш сари» деган устувор гоя биз учун
дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий юксалиш деганда, биз мамлакатимиз тараққиёти,
халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томон-
лама юқори босқичга кўтаришни тушунамиз.

Давлатимиз, эл-юртимизнинг салоҳияти ва куч-қудратига тая-
ниб, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиб, биз ўз ол-
димизга қўйган ана шундай мақсадлар сари изчил қадам қўймоқ-
дамиз.

Хурматли анжуман қатнашчилари!
Биз бугун қандай ислохотларни, қандай ўзгаришлар, қандай янги
лойиҳаларни амалга ошираётган бўлмайлик, уларнинг барча-барчаси
ягона, улус бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, мана шу меҳнат-
каш, заҳматкаш, олижаноб халқимизни рози қилиш, ҳаётнинг барча
синовларини матонат билан енгиб яшаётган ватандошларимизнинг
ишончини оқлаш, оғирини енгиш қилишдан иборатдир.

Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, бундай улус мақсадларга
ўз-ўзидан, қуруқ ва баландпарвоз гаплар билан эришиб бўлмайди.
Бундай марраларга фақат тинимсиз, оғир ва фидокорона меҳнат
билан эришилади.

Шу мақсадда сўнгги йилларда давлат ва жамият бошқаруви,
суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг мудо-
фаа қудратини мустаҳкамлаш, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтиш
бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусий мулк ва тад-
биркорлик учун кенг шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда.
Макроиқтисодий барқарорлик таъминланмоқда.

Давоми 2-бетда. ▶

ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
31 август кuni Беларусь Республикаси Президенти Александр
Лукашенко билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Александр Лукашен-
кони тугилган кuni билан самимий муносабатларни таъкидлаб, унга му-
стақкам соғлиқ, бахт-саодат ва катта зафарлар тилади.

Беларусь Президенти, ўз навбатида, илқ кутлов учун мин-
натдорлик билдириб, давлатимиз раҳбарини ва қўл миллатли
Ўзбекистон халқини Мустақиллик кuni билан табриклади.

Томонлар серкйрра Ўзбекистон – Беларусь муносабатлари
бугунги кунда юқори суръатлар билан ривожланиб бораётганини
катта мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг роппа-роса бир
ой аввал Беларусь Республикасига амалга оширган илк расмий
ташрифининг самарали натижалари икки томонлама ҳамкор-
ликни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқишга хизмат
қилгани, уни аниқ мазмун билан бойитгани таъкидланди.

Давлат раҳбарлари эришилган келишувлар, жумладан, сав-
до-иқтисодий, инвестициявий, илмий-техник, маданий-гумани-
тар ва бошқа соҳаларда имзоланган битимларни ўз вақтида
амалга ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масала-
лар юзасидан фикр алмашилди.

Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Рес-
публикаси ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатларини
янада мустаҳкамлаш, кенг қўламли ҳамкорлик ва устувор йўна-
лишларда кооперацияни кенгайтириш борасида интилишлари
қатъий эканини таъкидладилар.

ЎЗА



МАРД ВА ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗНИНГ БОҚИЙ БАЙРАМИ

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ватанимиз мустақиллигининг
28 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди

Мустақиллик – халқимиз эришган энг улус, энг буюк
неъмат. Ота-боболаримиз озодлик йўлида не-не оғир
синовларни, машаққатларни босиб ўтган, жон олиб, жон
берган.

1991 йил 1 сентябрда Ватанимиз ўз мустақиллигини
қўлга киритиш халқимиз учун оламшумул тарихий воқеа
бўлди. Мустақиллик туғайли биз озод халқ, мустақил
давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўйи-бастини бутун
дунёга намоён қилмоқдамиз. Халқимизнинг фидокорона

меҳнати, ёшларимизнинг гайрати, азму шижоати боис
Ўзбекистонимизнинг шон-шухрати олам узра ёйилмоқда.
Бир сўз билан айтганда, истиқлол обод ва фаровон ке-
лажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этиш учун бекиёс
имкониятлар эшигини очди – нимагаки эришган бўлсак,
ҳаммаси мустақиллик шарофатидандир.

Давоми 3-бетда. ▶



ОЗОДЛИК КУРАШЧИЛАРИ ВА ЗУЛМ-ИСТИБДОД ҚУРБОНЛАРИ ЁДИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Халқимиз тарихининг ададсиз тўфон ва су-
ронларига қарамасдан, миллий ўзлиги ва аза-
лий қадриятларини сақлаб қолиб, бугунги до-
риломон замонга безавол етиб келишида унинг
қон-қонига сингиб кетган орият туйғуси ва бена-
зир жасорати муҳим аҳамият касб этади.

Бой тарихга эга ўзбек халқи юксак маданият,
буюк маънавият, бекиёс илм-фан соҳиблари бўл-
ган, ўз даврида цивилизацияларни тебратган улус
мутафаккир ва алломалар, тенги йўқ саркардалар
ворисидир.

Жумладан, ўтмишимизнинг, Қодирий бобонинг
истилоҳи билан айтганда, «энг оғир ва қора кун-
лари»да – турли истибдод, босқин ва шафқатсиз
қатагонлар даврида озодлик йўлида жон фидо қил-
ганлар, адолатсизлик қурбони бўлганлар жасорати-
нинг ҳам ворисидир.

Мустабид ва истилолар даврида бу заминда
минглаб бегуноҳ инсонлар умри хазон бўлганини,
қанча-қанча оилалар пароканда ва хонавайрон бў-
либ, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих,
бугунги ва келажақ авлод ҳеч қачон унутмайди.

Давоми 2-бетда. ▶

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат
Мирзиёевнинг фармонларига мувофиқ, мустақиллигимиз-
нинг 28 йиллиги арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз ва
мамлакатимиз билан самарали ҳамкорлик қилиб келаёт-
ган хорижийликлар фахрий унвонлар, ордон ва медаллар
билан тақдирланган эди.

Қўрсарой қароргоҳида 31 август кuni ана шу юксак муко-
фотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев йигилганларни, уларнинг тимсолида
жойларда давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган барча
юртдошларимизни муборакбод этди.

Давоми 3-бетда. ▶

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ОЛИМА

Канадада ўтказилган халқаро кўرғазмада олтин
медал билан тақдирланди

Канаданинг Торонто шаҳрида «Илгор
гоялар ва инновациялар халқаро жамия-
ти (TISIAS)» томонидан 24 август кuni IV
халқаро «Инновация ва ихтиролар» ICAN
2019 қўрик-танлови ўтказилди.



Мазкур халқаро кўрғазма жаҳон илм-
фани ҳамда технологиялари соҳасида
эришилаётган ютуқлар ва яратилаётган
янги технологияларни ўрганиш ҳамда
рағбатлантириш мақсадида ўтказилиб ке-
линмоқда. Навбатдаги кўрғазмада 50 дан
ортиқ давлатдан келган 500 дан зиёд их-
тирочи илмий техника ва технологиялар,
озиқ-овқат, тиббиёт, кимё ҳамда саноат-
нинг турли йўналишлари бўйича ўз ихти-
ролари, инновацион ишланмалари билан
қатнашди.

Бу танловда Ўзбекистон вакили илк
бор иштирок этди. Ҳамюртимиз, истеъ-
додли олима Параҳат Матякубова ушбу
қўрик-танловда «Донни сақлаш ва қайта
ишлаш жараёнида дизеллектрик нам ўлча-
гич дастурий таъминоти» мавзусида олиб
борган илмий изланишлари билан қат-
нашди.

Техника фанлари доктори, профес-



сор Параҳат Матякубованинг бу ихтиро-
си халқаро экспертлар томонидан юксак
баҳолалиб, қўрик-танловнинг финал бос-
қичида «Ихтирочи мутахассиси» махсус
соврини ҳамда олтин медал билан тақ-
дирланди.

Ўз мухбиримиз.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев номига мамлакатимиз
мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги
муносабати билан хорижий давлатлар ва
ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар
раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда.
Уларда давлатимиз раҳбарига мустақкам
соғлиқ, омонлик ва муваффақиятлар,
Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик,
тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаклари
билдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига
Жаноби Олийларига!

Мустақиллик кuni муносабати билан Ўзбекистон
халқига энг самимий табрикларини билдириш менга
катта мамнуният бағишлайди.

Биз халқаро ҳамкорлик ҳар қачонгидан-да зарур
бўлган мураккаб даврда яшамоқдамиз. Биз, халқлар,
тинчлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқларини
таъминлаш йўлида виждонан бирлашсак, бундан бутун
дунё ютади.

Ушбу байрам арафасида мамлакатингиз Бирлашган
Миллатлар Ташкилотини мустаҳкамлашга қўмаклашиш
ҳамда барча учун ёрқин келажаққа эришиш борасидаги
умумий саъй-ҳаракатларимизни илгари суришда фаол
иштирок этади, деган умиддаман.

Жаноби Олийларига, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни
қабул қилгайсиз.

Антониу ГУТЕРРИШ,
БМТ Бош котиби

Шунингдек, қуйидагилар ўз қутловларини йўллаган:

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин

Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди

Қозғоғистон Республикасининг Биринчи Президенти –
Элбоши Нурсултон Назарбаев

Қозғоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт
Тоқаев

Туркменистон Президенти Гурбангули
Бердимухамедов

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали
Раҳмон

Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай
Жээнбеков

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев

Беларусь Республикаси Президенти Александр
Лукашенко

Украина Президенти Владимир Зеленский

Молдова Республикаси Президенти Игорь Додон

Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган
Қироллиги Қироличаси Елизавета Иккинчи

Германия Федератив Республикаси Федерал
Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер

Давоми 2-бетда. ▶

Ўзбекистондаги демократик жараёнлар энди орқага қайтмайдиган, муқаррар тус олди.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Қишлоқ ҳўжалигида туб ислохотлар олиб борилмоқда. Бу йилги табиат кийинчиликларига қарамасдан, миришкор фермер ва деҳқонларимиз мардона меҳнат қилиб, қўллаб соҳаларда мўл ҳосил етиштирдилар. Фурсатдан фойдаланиб, барча деҳқон ва фермерлар, дала меҳнатқашларини халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида эришадиган катта ютуқлари билан самимий табриклашни ўз бурчим, деб биламан.

Азиз дўстлар!
Юртимизда иқтимоий ривожланиш бўйича ўзига хос тизим шаклланимқода. Бу борада «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Ёшлар – келажатимиз», «Беш иқобий ташаббус» каби дастурларимиз аҳолини янгилаш фикрлаш ва ишлашга сафарбар этишда муҳим роль ўйнамоқда. Бунинг натижасида юзлаб туман, шаҳар ва қишлоқларнинг меъморий қўёфиси тубдан янгиланмоқда.

Илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларида бўлаётган катта ўзгаришлар ҳам сизларга яхши маълум.

Биз умумтаълим мактабларида 11 йиллик тизимни тикладик. Мактаб таълимининг ривожлантириш масаласи буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда олий таълим соҳаси ҳам жадал ривожланимқода. Фақат кейинги уч йилда 35 та янги олий ўқув юрти ташкил қилинди ва уларнинг умумий сонги 112 тага етди. Буларнинг 13 таси нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Юртимизда қўллаб анги шифохоналар, тиббиёт марказлари, оилавий ва хусусий клиникалар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Кейинги йилларда кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонлар, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари иқтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу борада Тиббий-иқтимоий хизматлар агентлиги, Ногиронлиги бўлган инсонларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганини қайд этиш лозим.

Аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш биз учун энг долзарб вазифа бўлиб келмоқда. Бизнинг барча иқтисодий ва иқтимоий дастурларимиз, йирик инвестиция лойиҳаларимиз, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларимизнинг марказида айнан шу муҳим масала асосий мақсад ва вазифа бўлиб турибди.

Узоқ вақт давомида ўткир муаммо бўлиб келган аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам юртимизда янги давр бошланди; десак, хато бўлмайди.

Мамлакатимизнинг маданий ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Биринчи марта Шахрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжумани, Термиз шаҳрида Халқаро бахшчилик санъати фестивали катта муваффақият билан ўтказилди. Кўни кеча Самарқанд шаҳрида юксак савия ва баланд руҳ билан ўтказилган «Шарқ тараоналари» халқаро мусика фестивали бетакор мумтоз санъатимизни яна бир марта дунёга намойён этди. Сентябрь ойида эса Қўқон шаҳрида илк бор Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказамиз.

Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз. Виждонни, маънавиятни бор инсон Ватанини албатта яхши кўради. Виждон, маънавият дегани – халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш дегандир.

Мана шундай қараш бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан кенг ва қизгин қўллаб-қувватланаётгани маънавий тарбиянинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Азиз дўстлар!
Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича мустақил сиёсатини қатъий давом эттирмоқда ва бу сиёсат халққаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда маҳбўсларни афв этиш институти жорий этилди. Кейинги уч йилда етти марта афв эълон қилинди. Натижада қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 4 мингга яқин маҳбўс жазонини ўташ жойларидан озод этилди.

Кўни кеча афв этиш ҳақидаги яна бир фармонга имзо чекдим. Унга кўра жазо муддатини ўтаётган 65 нафар фуқаро афв этилди.

Тасаввур қилинг, ўз уйига, яқинлари бағрига қайтаётган бу инсонларнинг, уларнинг ота-онаси, фарзандларининг қувончи, хурсандчилигини «ойнаи жаҳон» орқали кўрган одам, бу ҳақиқатан ҳам эзгу ва савобли иш эканига

«Давоми, бошланиши 1-бетда.

ОЗОДЛИК КУРАШЧИЛАРИ ВА ЗУЛМ-ИСТИБДОД ҚУРБОНЛАРИ ЁДИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Халқимизнинг ана шундай фидойи ва матонатли ўғил-қизлари номларини, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод онгу шуурида улар хотирасига эҳтиром туйғусини юксалтириш мақсадида 2001 йилдан буён 31 август санаси мамлакатимизда Қатагон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланади.

31 август. Субҳи сабоҳ. Шаҳидлар хиебони.

Президент Шавкат Мирзиёев «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида ўтказилган халқимиз озодлиги ва юртимиз мустақиллиги йўлида қурбон бўлганларни ёд этиш маросимига иштирок этди.

Таомилга кўра ош тортилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатагон қурбонлари ҳақида дуо қилинди.

Барчамизга маълумки, қурбон бўлганларнинг номларини тиклаш, хотирасини абадийлаштириш мақсадида пойтахти-

мизда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ва «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи бунёд этилган.

Музей 2008 йилда қайта таъмирланиб, кенгайтирилган ва экспозиция заллари 3 тага етказилган. Уша йили янги-ланган экспозиция 10 бўлимдан иборат бўлиб, 14 минг 665 экспонатни ўз ичига олади. Айни пайтда мингга яқин тарихий ашё намойиш этилмоқда. Уларнинг элиққа яқини ноёб экспонат ҳисобланади. Замонавий техник воситалар билан жиҳозланган музейга ҳар йили 50 минг зиёратчи ташриф буюрмоқда. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади.

Музей Германия, Россия, Озарбайжон, Қўзғоғистон, Жазаир ва қатор бошқа мамлакатлардаги турдош муассасалар, илмий марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан аждодларимизнинг Ватан тинчлиги ва озодлиги йўлидаги кураши бугунги кун ёшлари учун

яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Мустақиллик байрами арафасида Қўрақалпоғистон Республикаси Жаслиқ кўрғонидagi жазони иқро этиш колонияси ёпилгани инсонпарвар сиёсатнинг яна бир ифодаси бўлди.

Бу тарихий қадам мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш вақтинчалик кампания эмас, балки давлат сиёсати даражасидаги узлуқсиз жараён эканини кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, улар қаерда бўлишдан қатъи назар, ҳимоя қилишга қодир мамлакат сифатида ўзини намойён этмоқда.

Чет элларда ишлаётган ва таълим олаётган ватандошларимиз билан алоқалар мустаҳкамланиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланмоқда. Ўзбекистонга қайтиб, иш ёки ўқиш фаолиятини давом эттириш истагида бўлган фуқароларимиз учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Бу йил 156 нафар ватандошимиз – асосан аёллар ва болалар жанговар ҳаракатлар давом этаётган Суриядан қайтариб олиб келинди ва уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари тикланди.

Албатта, кечиримли, меҳр-оқибатли бўлиш халққа ҳам, Худога ҳам манзур бўлади. Мана шундай эзгу фазилатлар бизнинг бағрикенг халқимизни янада улуғлайди. Ҳурматли ватандошлар!

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасида ҳам фаол ва самарали фаолият олиб бормоқда. Узоқ ва яқиндаги барча давлатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқаларимиз тобора кенгайиб, ривожланмоқда.

Аввало, Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилиб, ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилмоқда. Минглаб оддий одамларнинг чегаралардан бемалол ўтиши, минтақамиз бўйлаб эркин ҳаракатланиши, қариндош-уруғлари билан борди-келди қилишлари учун барча шароит яратилди.

Ўзбекистон минтақавий хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда, Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган мулоқотларда фаол иштирок этмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг халққаро майдондаги обрў-эътиборини оширишда, юртимизнинг дўстлари ва ҳамкорларини қўлайлигида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиздаги демократик ислохотларни қўллаб-қувватлаб, хайрихоҳ бўлиб келаётган, бугунги тантананада иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчилирига, халққаро ташкилотлар вакилларига, чет эллик шерикларимизга, Ўзбекистоннинг барча дўстларига самимий ҳурмат ва миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Ҳаётимизда тинчлик-товуелик, миллатлар ва динлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик мустаҳкамланиб бормоқда. Биз буни барча ислохотларимизнинг кафолати, энг муҳим натижаси, деб биламиз.

Бугунги кунда амалга ошираётган ислохотларимиз, халқ билан мулоқот давлат сиёсати даражасига кўтарилгани туфайли жамиятимизда очиклик ва эркинлик муҳити тобора кучайиб бормоқда.

Одамлар ташаббус қўрсатиб, нафақат ўз шахсий муаммоси, балки кўпчиликининг дарду ташвишларини ҳал қилиш учун давлат идоралари билан ҳамкорликда ишлашга ўрганмоқда.

Биласизлар, мен мамлакатимиз бўйлаб жуда кўп сафарларда бўламан. Жойларда, олис туман, қишлоқ ва овулларда бўлиб, янги-янги иқтисодий-иқтимоий лойиҳаларни жорий этишга, одамлар нима билан яшапти, уларнинг аҳоли, қийфийати қандай эканини яқиндан билишга, уларни қийнаётган муаммоларни ечиш учун ёрдам беришга интиламан.

Мана шундай очик, самимий мулоқотлар асосида бугун халқимиз билан кўп-кўп мураккаб, муҳим масалаларни биргаликда ҳал қилмоқдамиз. Ва бу одамларимиз қалбиди келажакка ишонч уйғотиб, уларни янги, улкан марралар сари руҳлантиришмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу – бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Шу улуғ ёйимда ҳар қандай оғир синов ва машаққатларда ҳам Ватанимиз мустақиллигини асраб, унинг барқарор тараққиётини таъминлаб келаётган мард ва бағрикенг халқимизга ҳалол ва фидокорона меҳнат, истиқлол гоғларига садоқати учун чуқур таъзим қиламан.

Муҳтарам ватандошлар!

Албатта, ҳаёт бор экан, унинг ўткир талаблари, муаммолари бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Лекин ҳар қандай муаммони оқилона ҳал қилиш учун, аввало, бир-лиқ, ҳамжиҳатлик зарур.

Барчамизга, айниқса, раҳбар ва етакчиларга чуқур билим, ақл-заковат, сабр-тоқат керак. Шунинг учун «Жаҳлатга қарши – маърифат» деган фикрда катта маъно бор. Бу гоғ фақат диний тарбия билан боғлиқ ишларда эмас, балки ҳаётимизнинг барча соҳаларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳар бир масалани маърифат асосида чуқур ўйлаб, халққа ҳурмат билан, тақор ва тақор айтман, одамлар фикрини инобатга олиб, фақат қонун ва адолат мезонига таянган ҳолда ҳал этсак, эл-юртимиз биздан албатта рози бўлади.

Бугун замон ўзгарди. Энди ҳаммамиз эркинлик, очиклик, ошкоралик шароитида ишлашга ўрганишимиз лозим. Барча ривожланган давлатлар, дунё ҳамжамияти шундай яшамоқда.

Даврининг, ҳаётнинг кескин талабларидан орқада қолмаслик учун барчамиз ҳар кунни ўқиб-ўрганишимиз, ўз устимизда ишлашимиз, билим ва савиямизни доимо ошириб боришимиз керак.

Бизнинг томирларимизда улуғ аждодларимизнинг қони оқмоқда. Буюк боболаримизнинг муносиб издошлари ва давомчилари бўлиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Ўз Ватанини, она халқини равнақ топтириш учун ўзини аямасдан меҳнат қилиш: бу – жасорат ва мардлик, бу – она юртга муҳаббат ва садоқат, бу – тўғри тарбия ва амалий намуна демакдир.

Шу кунларда ўзининг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб, барчага намуна бўлаётган юртдошларимизга марказда ва жойларда давлатимизнинг юксак унвонлари, ўрден ва медаллари тантанали равишда топширилмоқда.

Эл-юртимизга садоқат билан хизмат қилиб, халқимиз ўртасида катта обрў-эътибор толган ана шундай ватандошларимизни ўз номидан, сизларнинг номингиздан самимий табриклаб, эзгу тилақларимизни билдиришга руҳсат этгайсиз.

Азиз дўстлар!

Бугун бир фикрни қатъият билан таъкидлашнинг зарур, деб биламан: Ўзбекистондаги демократик жараёнлар энди орқага қайтмайдиган, муқаррар тус олди.

Биз мана шу ёруғ кунлар учун курашиб, жон фидо этган ота-боболаримизнинг ҳақиқ-хурмати, 33 миллионлик халқимизнинг ҳақиқ-хурмати, бизга умид ва ишонч кўзи билан боқиб турган болаларимиз, набирларимизнинг ҳақиқ-хурмати – мустақиллик ва истиқлол йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз!

Ўз мақсадларимизга албатта етамиз – келажаги буюк Ўзбекистонимиз барчамиз биргаликда барпо етамиз!

Қадриги ватандошлар!

Ҳаммамизга яхши маълумки, олдимизда катта сиёсий воқеа турибди. Шу йил декабрь ойида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади.

Бу сайловлар миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторига кўтаришда ана бир муҳим амалий қадам бўлади.

Бу сайловлар бутун халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг орзу-интилишларини ифода этиб, улар учун янги имкониятлар очиб беради, деб ишонаман.

Бугунги кунда қанча-қанча билимли, нуфузли хорижий университетларда таҳсил олган, чет тилларни, замонавий бошқарув усулларини яхши биладиган навқирон ёшлар ҳаётимизга кириб келмоқда.

Улар бизнинг умидимиз, эртанги кунимиз. Шунинг учун ёшларга кенг йўл очиб бериш, эҳтиёж ва манфаатларини таъминлаш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам бериш, уларга масъул лавозимларни ишониб топшириш бундан буён ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Азиз фарзандларимиз эл-юртимизнинг ана шундай юксак эътиборига муносиб бўлиб, ўз салоҳияти билан, миллий гоғимизга садоқати билан Ўзбекистонимизни бутун дунёга тараннум этишларига ишонаман ва бу йўлда уларга бахт ва омад тилайман.

Муҳтарам ватандошларим!

Сизларни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йиғирма саккиз йиллик байрами билан яна бир бор чин дилдан самимий табриқлайман.

Барчангизга сийҳат-салооматлик, янги-янги ютуқлар, оилавий хотиржамлик ёр бўлсин, фарзандлар, набираларнинг бахту камолини кўриш насиб этсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, жонажон Ўзбекистонимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон

Италия Республикаси Президенти Сержо Маттарелла

Испания Қироли Филипп VI

Бельгияликлар Қироли Филипп

Австрия Республикаси Федерал Президенти Александр Ван дер Беллен

Болгария Республикаси Президенти Румен Радев

Венгрия Президенти Янош Адер

Португалия Республикаси Президенти Марсело Ребело де Соуза

Руминия Президенти Клаус Вернер Йоханнис

Словакия Республикаси Президенти Зузана Чапутова

Чехия Республикаси Президенти Милош Земан

Швейцария Конфедерацияси Президенти Ули Маурер

Япония Императори Нарухито

Сингапур Республикаси Президенти Халима Якуб

Индонезия Республикаси Президенти Жоко Видодо

Малайзия Подшоҳи Ал Султон Абдуллоҳ II Рияятуддин ал-Мустафо Биллоҳ Шоҳ

Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла Иккинчи

Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натҳ Ковинд

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон

Покистон Ислом Республикаси Президенти Ориф Алвий

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон

Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан Рўхоний

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён

Жазоир Халқ Демократик Республикаси муваққат Президенти Абдулқодир ибн Салоҳ

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти Абдул Ҳамид

Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири Шайх Ҳасина

Фаластин Президенти Маҳмуд Аббос

Афғонистон Ислом Республикаси Бош вазири Абдулла Абдулла

Саудия Арабистони Подшоҳлиги валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, мудофаа вазири Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум

Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли қучлари Бош қўмондонини ўринбосари, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири Сайф бин Зоид Ол Наҳаён

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти бош директори Цюй Дунъюй

Жаҳон божхона ташкилоти бош котиби Кунио Микурия

Ислом ҳамкорлиги ташкилоти бош котиби Юсуф ал-Усаймин

Рим-католик черкови раҳбари Папа Франциск

Қутловлар келиши давом этмоқда.

«Давоми, бошланиши 1-бетда.

ДАВЛАТИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармонларига мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият ва санъат, давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларининг бир гуруҳи фахрий унвон, орденом медаллар билан мукофотланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2019 йил 30 август куни мукофотларни ўз эгаларига топшириш маросими бўлиб ўтди.

Фахрий унвон, орденом медаллар Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов томонидан топширилди.

Меҳнат фахрийи, «Меҳнат шухрати» ордени соҳибаси К.Жалилова, Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, «Меҳнат шухрати» ордени соҳибаси Г.Ибрагимбекова, оммавий байрам тадбирлари режиссёри, «Дўстлик» ордени соҳибаси Р.Шамсутдинов, Ўзбекистон Кўзи оғизлар жамияти марказий бошқаруви раиси, «Шухрат» медали соҳибаси Э.Нарпұлатов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар

академияси Ботаника институти хузуридаги Тошкент ботаника боғи мутахассиси, «Дўстлик» ордени соҳибаси А.Халмурзаева, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси бошқарув социологияси ва психологияси кафедраси мудири, «Дўстлик» ордени соҳибаси М.Бекмурзаев, «AKFA Engineering and Management» масъулияти чекланган жамияти директорининг ўринбосари, «Дўстлик» ордени соҳибаси К.Гуламов ва бошқалар камтарона меҳнатларини юқори баҳолаб, давлатимизнинг юксак мукофотларига муносиб кўргани учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

ЎЗА

«Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари»

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Бугун барча-барча жабҳаларда ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини юксалтириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, халқнинг турмуш даражасини ошириш бўйича кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиёт, одамлар турмушида катта ўзгаришлар, ислохотлар амалга оширилаётгани ва уларнинг дастлабки натижалари кўзга ташланаётгани таъкидланди.

— Халқ билан ҳеч қачон бундай мулоқот бўлмаган. Одамларни эшитиб, уларнинг муаммоларига қўлоқ солса, келажақда қиладиган ишларнинг режаси тўғри бўлади. Энг асосийси, халқимиз ишончи бизга куч беради, — деди Президент.

Ўзбекистоннинг халқчил, инсонпарвар сиёсатини дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда. Ташқи ва ички сиёсат кенг қўлланма мулоқот ва муносабатлар асосида, уйғун ҳолда олиб борилаётган.

— Биз учун битта битта тўғри йўл, ягона мақсад миллатимиз, халқимиз, жонажон Ўзбекистонимиз манфаатини юқори тутишдир. Бунинг учун доимо етти ўлчаб, бир марта кесадиغان сиёсат олиб боришимиз керак. Олдимизда мурраккаб вазифалар турибди. Халқимизга, сизлар каби мард ва шижоатли юрдошларимизга ишониб, маррани катта олдик, — деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев маросимга йиғилганларни номна-ном тилга олиб, давлат мукофотлари билан таъриқлади. Уларни Ватанимизнинг асл фарзандлари, виждонли пок, қалби уйғоқ одамлар деб атади. Самарали фаолияти, ҳалол ва фидойий меҳнати, ёшларга ибрат бўлаётгани учун уларга миннатдорлик билдириб, эзгу тил-лақларини ихзор этди.

Президентимиз тақдирланган юрдошларимиз ва хориқлик дипломатларга муқофотлари тантанали равишда топширди.

— Шундай юксак мукофотга муносиб кўргани учун Президентимиздан миннатдорман, — деди Ўзбекистон Қажрамон, «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Ҳасан Нормуродов. — Вазифа, мартаба инсоннинг ўзига бино қўйиб, қирув ҳавога берилиши учун эмас, аксинча, эзгу амаллари билан ўзгалар қалбига яхшилик чаманзорларини яратиб учун берилган. Қайси бир раҳбар шу қоидага амал қилиб иш қўрса, доимо халқнинг назариде бўлади. Бундан кейин ҳам қўлимдан келганича мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

З.ЖОНИБЕКОВ,
Ўза мухбири.

«Давом, бошлангил 1-бетда»

МАРД ВА ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗНИНГ БОҚИЙ БАЙРАМИ

Бугун халқимиз Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистоннинг янги тарихини яратмоқда. Ҳар жабҳада, ҳар бир ҳудудда олиб борилаётган ўзгаришлар мамлакатимизнинг халқаро сиёсий нуфузини ошириб, иқтисодиётини юксалтирмоқда, халқимизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

Ҳар йили Мустақиллик байрами тараққиёт йўлимизнинг янги босқичга ҳамоҳанг янги-янги марралар билан нишонланади. Бу йил бу марраларнинг қўламини янада кенг. Президентимиз қарорига мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллик байрамига қизгин тайёргарлик кўрилди. Қўтлуг санага бағишлаб ўтказилган тадбирлар «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» деган бош ғояни ўзидан муҳасам этгани ҳар бир юрдошимизни эзгуликка руҳлантирди. Барча шахар ва туманларда, қишлоқ ва овулларда энг улғў, энг азиз ўш байрамни муносиб нишонлашга алоҳида эътибор қаратилди.

31 август. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи. Парламент ва ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, турли соҳаларда фаолият юритаётган юрдошларимиз, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб ўтказилган байрам тантанасига йиғилган.

Саройга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кибри келди. Давлатимиз раҳбари минбарга таклиф этилди. Президентимиз халқимизни Мустақиллик байрами билан муборакбод этиб, эзгу ниятларини ихзор қилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янгради. Йиғилганлар қўлларини қўқсиға қўйиб, Мустақиллик қўшиғига жўр бўлди. Оҳанг оғушида бетакрор Ватан манзаралари, истиқлол тарихи лавҳаларда гавдаланди.

Мустақил Ўзбекистонимиз яна бир ёшга улғайди. Ушбу байрамни ҳар йили катта шоду хуррамлик билан қўтиб оламиз. Мамлакатимиз сиёсий ва иқтисодий модернизация йўлида катта ютуқларга эришаётгани, замонавий давлатга айланигани, халқчил ислохотлар одамларда эртанги келажакка ишончини мустаҳкамлаётгани, эришган натижаларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан намуна сифатида кенг эътироф этилаётгани қувончимизни бир неча қарра оширади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси асосида «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» ғоясига мувофиқ тарзда барча соҳалар янгиланмоқда, деб алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кейинги йилларда мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий-ижтимоий соҳа-

«Давом, бошлангил 1-бетда»



ларни ислох этиш, қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги ўзгаришлар жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар бир инсон ўз оруз-интилишларини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллиги арафасида Президент имзолаган «Озодликдан маҳрум этин жазосини ўтаётган, қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тузатиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармони давлатимиз юритаётган гуманитар сиёсатининг амалий тасдиқи бўлди. Фармонга мувофиқ содир этган жинояти учун жазо муддатини ўтаётган ва қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлиб, тузатиш йўлига ўтган фуқаролар афв этилди. Бу байрам кунлари қўллаб оқиларга қувонч олиб қирди.

Мамлакатимизда 2019 йил Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили, деб эълон қилинди. Жорий йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш бўйича марралар қўйилган. Зеро, инвестициялар иқтисодиёт барқарорлигини оширади, янги қувватларни ишга тушириш ҳисобида етакчи соҳаларни ривожлантириш таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида жорий йилдаги вазифаларнинг асосий йўналишларига тўхталди, фаол инвестиция сиёсати изчил давом эттирилишини таъкидлади. Чунки инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш реал даромадларни ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажмининг ўстириш, пировардида ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга кенг йўл очди.

Қўрилаган ана шундай тизимли чора-тадбирлар самараси ўлароқ,

жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот 5,8 фоиз ўсди. Қарийб 86 триллион сўм, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробар кўп инвестициялар ўзлаштирилди. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта инвестициянинг ялпи ички маҳсулотдаги ўлуши 38 фоиздан ошди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, «Fitch Ratings» ва «Standart & Poor's» агентликлари биринчи марта мамлакатимизнинг халқаро суверен кредит рейтингини белгиледи. «Барқарор» прогнозига эга бўлган бу рейтинг Ўзбекистон эгаллаган поғона қўлгина ривожланаётган давлатларга нисбатан юқори эканини кўрсатади.

Халқимизнинг ҳаёт сифатини ошириш, қишлоқларни обод қилиш изчил давом этмоқда. «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари энг чека ҳудудларга ҳам янгиланиш нафасини, бунёдкорлик руҳини олиб кирди. Одамларда янада яхши яшашга иштиёқ, қишлоқда турмуш маданияти ошди.

Хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус уларнинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ҳар бир туманда хотин-қизлар учун иш ўринлари ташкил этилмоқда, ёшларнинг истеъдодини юзага чиқариш ва жисмонан чинқишга шартно, маънавиятини бойитишга имконият яратилмоқда.

Бу жиҳатлар — хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳаётдан мамнуллиги ошиб бораётгани байрам томошасида турли тилларда янграган қўшиқлар, миллий-этнографик гуруҳларнинг чиқишларида ҳам яққол намоён бўлди.

Ўзбекистоннинг оқчилик, ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсати ҳамкорларимиз

сафини кенгайтирмоқда. Ривожланган давлатлар, дунёга донги кетган банк ва компаниялар биз билан ҳамкорликка интилмоқда. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги янги ёндашувлари Марказий Осиёда сиёсий вазиятни соғломлаштирди.

Энг муҳими, мустақиллик туйғули қўлга киритилган бундай ютуқ ва натижалар моҳияти ҳар бир юрдошимизнинг қалби ва онгига етиб бормоқда, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтармоқда, янги, янада юксак марраларга илҳомлантирмоқда. Истиқлолнинг халқимиз, мамлакатимиз ҳаётида тутган бекиёс ўрнини, ҳар биримиз учун қанчалик қадри қадри эканини яна бир қарра намоён этмоқда, энг улғў, энг азиз байрамимизга янада теран мазмун бағишламоқда.

Истиқлол йилларида бой тарихимиз ва маданий меросимиз, дину диёнатимиз, кўнра урф-одат ва анъаналаримиз қайта тиклангани, конфессиялараро ва миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу қасблар миллий ва умумбаъшарий қадриятлар билан уйғунлашиб, ҳаётимиз қоридасига айланиб бораётгани ҳар биримизга чексиз гуруру ва ифтихор бахш этади.

Байрам тантанасида истиқлолни, овоз ва ҳур Ватанини тараннум этуви куй-қўшиқлар, шеърлар янгради. Болаларнинг шўх қиқишлари барчага табассум улашди. Ҳарбийларимизнинг мардондор овози дилларга кўчди. Жаҳон муомтоз мусикаси намуналари бир олам завқ бағишлади.

Янграган куй-қўшиқлар диллардан дилларга кўчади, опис-олисларга таралади ва акс-садо беради — ҳар бир вилоят, туман, шахар, қишлоқ ва овул истиқлолни нишонлайди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида шуқуҳли байрам тантаналари, халқ сайиллари давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРДОВ,
Ўза мухбири.

(ТИМ) ташкил этилган.

Мамлакатимизда соғлом авлодни қамолга етказиш мақсадида олиб борилаётган кенг қўллаб-қувватлаш ишлар ўз самарасини бермоқда, албатта. Расмий маълумотларга кўра, Тиббиёт соҳасидаги комплекс чора-тадбирлар натижасида оналар ва гўдақлар ўлими ўчиб бораётган кўпроқ қамайди. Аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси эса 68 ёшдан 75 ёшга ўзгариб.

Ҳеч бир мулоғасиз айтиш мумкинки, бугун мамлакатимизда соғлом, барқамол авлодни шакллантириш ва тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофазга этиш борасида эришилган натижалар халқаро миқёсда эътибор ва эътирофга сазовор бўлмоқда. Хусусан, «Save the children» («Болаларни асрайлик») халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ҳамқўриш кўрсатидиган дунёдаги ўнла малакати қаторидан жой олган.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофазга қилишни янада яхшилаш. Оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида давлат тузилмалари билан бир қаторда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Бугун ўтган йўлимиз, бажарган ишларимиз самарасига назар солиб баҳолаймиз. Ислохотлар жараёни мурраккаб, сермашаққат бўлса-да, бугунги натижаларини кўриб, қувонамиз, фахрланамиз. Чунки мамлакатимиздаги барча яратувчанлик соҳаларида соғлом авлод вакиллари асосий таянч сифатида буй қўрсатмоқда. Уларнинг фан ва маданият, спорт ҳамда бошқа қўллаб-қувватлаш соҳаларида ютуқлари, галабаларидан гуруру тўямиз, келажикимиз таянчи янада мустаҳкам бўлишига ишонамиз.

Мамлакат томонидан бирор орден ёки медал, нишон, унвонни таъсис этишда олий мақсад, юксак режалар тузилади, шунга муносиб натижалар қўтилади. Мустақил Ўзбекистонимизда илк орден «Соғлом авлод учун», деб аталishi ва шу номдаги халқаро хайрия фондини ташкил этишдан қўзғалган асосий мақсад халқ саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш эди. Соғлом авлод замирида бугун бир халқ, миллат тақдирини, келажакни турибди. Давлатимиз раҳбари она ва бола саломатлиги масаласи мамлакатимиз бугунги, келажак учун қанчалар муҳим аҳамиятга эга эканини мунтазам таъкидлаб келмоқда. Демак, бақарилган ишлардан хотиржамликка тушмаслигимиз, янада катта маъсулият ва фидойилик билан меҳнат қилишимиз зарур бўлади.



ДУНЁНИНГ 300 ГА ЯҚИН ОЛИМИ ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИГА МУРОЖААТНОМА ЙЎЛЛАДИ

Авал хабар қилинганидек, 22-27 август кунлари Тошкент, Термиз, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида «Ўзбекистон — буюк йўллар ва цивилизациялар чорраҳаси: империялар, динлар ва маданиятлар» мавзусида маданий мерос ҳафталиги ўтказилди. Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа қатор вазирлик ҳамда идоралар халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда, шунингдек, нефть соҳасида хизмат кўрсатувчи «Eriell Group» компанияси кўмағида ташкил этилган анжуман доирасида турли конференциялар, кўргазмалар, тақдиротлар, давра суҳбатлари, илмий-амалий мулоқотлар, тарихий обидаларга саёҳатлар, маданий-маърифий кечалар уюштирилди.

Жумладан, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш Бутунжаҳон жамиятининг III конгрессида дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатидан 300 нафарга яқин олим, мутахассис, музей, кутубхона ва бошқа илмий муассасалар раҳбарлари, етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Мазкур конгрессда Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш ва сақлаш билан боғлиқ юзлаб маърузалар тингланди, янги кашфиётлар эълон қилинди.

Таъкидлаш жоизки, конгресс арафасида Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш Бутунжаҳон жамияти Парижда юридик рўйхатдан ўтказилди, расмий мақомга эга бўлди.

Конгресс якунида Бутунжаҳон жамияти аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевга мурожаатнома қабул қилди.

Унда жумладан, шундай дейилади:

«...Янги Ўзбекистонни ривожлантириш ва тараққиёт этириш йўлида зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган юксак фаолиятингиз учун Сизга самимий эҳтироимизнинг изҳор этишига икозат этгайсиз. Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштиришга йўналтирилган ҳамда «Моддий ва номоддий меросни асраш: допразб муаммолар ва уларни ҳал қилиш стратегияси» мавзусидаги халқаро конференция қатнашчиларига йўллаган табригингизда тилга олинган ташаббусларингизни биз ўша муҳим аҳамиятга эга деб биламиз.

Ушбу ташаббусларни тўлақонли баҳолашимизга имкон берган Ўзбекистон маданий мероси ҳафталиги давомида яратилган аjoyиб имкониятлар учун Сиздан миннатдоримиз.

Таъкидлаш жоизки, Сизнинг юксак қўллаб-қувватлашингиз туйғули амалга оширилаётган ушбу лойиҳа ўзларининг касбий қизиқишларини, айни пайтда илмий ҳаётини ҳам Ўзбекистоннинг ўрганиш билан боғланган хорижий ва маҳаллий олимларни бирлаштириш учун бекиёс шароитлар яратди. Дунё илмий қўлларининг бирлашуви, олимларнинг ўзига хос халқаро илмий лабораторияси юзага келгани жамиятимизнинг қўли томонларидан бири дейиш мумкин. Шунга боғлиқ равишда биз Ўзбекистонга маданият ва санъат тарихига оид тадқиқотлар, маърифат ва таълим соҳаларида ҳар томонлама кўмак беришга тайёр эканлигимизни билдиримиз».

Мурожаатда таъкидланганидек, учинчи халқаро анжуман кунларида Бутунжаҳон жамияти халқаро дипломатиянинг самарали шакли бўлиб, халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги ўзаро тушунишни мустаҳкамлашга, энг муҳими, жаҳон саҳнасида Ўзбекистоннинг маданий нуфузини оширишга хизмат қилади.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон маданий мероси ҳафталиги ташкилотчилари узоқ йиллардан буён кенг жамоатчиликка намойиш этилганда Давларзин хазинасининг дунёга машҳур олтин буюмлари тақдим этилган «Қўшон салтанати ва унинг жаҳон цивилизациясининг ривожланишига қўшган ҳиссаси» кўргазмасида ҳам иштирок этишди. Илк эллинизм бетақор ёдгорлиги, археологларга Кампиртепа номи билан маълум бўлган Амударё соҳилдаги Окс Александрияси — юнон истеҳкомининг тантанали очилиши ҳам ҳеч қимми бефарқ қолдирмади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур жамият аъзолари томонидан шу пайтга қадар «Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпلامларида» лойиҳаси доирасида 20 та китоб-альбом чоп этилди ва яна 13 таси нашрга тайёрланмоқда, 30 дан ортиқ ҳужжатли фильмлар суратга олинди.

Ўз мухбири.

СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ

соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, энг чека ҳудудларда ҳам тиббий хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтиришдек эзгу мақсад йўлида қатор йиллар «Соғлом бола йили», «Соғлом она ва бола йили», «Оила йили» деб номланган эди. Шулар асосида давлат Дастуридан қабул қилиниб, тиббиёт соҳасида кенг ислохотлар давом этиб келди.

Ўтган йиллар давомида қандай қилинчиларга, муаммоларга дуч келмайлик, соғлом авлод тарбияси бир зум бўлса-да бошқа муаммолар соясида қолиб кетмади. Аксинча, мамлакат миқёсидаги юксак ва кенг ислохотларнинг олд жараёнида турди.

Миллат генафонди ҳақида сўз юритилганда, биринчи навбатда оналар ва болалар саломатлиги, соғлом оила ва соғлом фарзанд тўғрисида ҳамқўриш қилиш назарда тутилди. Бугунги кунда ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда патологияни бераётган аниқлашни таъминлайдиган замонавий перинатал марказлари, «Она ва бола» скрининг марказлари фаолияти тақомиллаштирилган, тумна ва ирсий касалликларни ташхисининг, даволаш ва улар профилактикасининг замонавий усуллари жорий этилаётгани ўз самарасини бермоқда.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди кўчма тиббий-иктимоий патронаж бригадалари 1996 йилда ташкил этилган эди. Халқ саломатлиги йўлидаги ана шундай улғў ва масъулиятли фаолият бошланганига йилгирма уч йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар, чора-тадбирлар бугун янги босқичга кўтарилди.

2016 йилдан бошлаб соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларга ҳар қанонидан ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирдир», дея алоҳида таъкидлаб ўтди. Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизimini шакллантириш борасида қатор ишларни амалга оширишга эришилди.

Ўтган даврда қишлоқ врачлик пунктлари, шахар ва қишлоқ оилавий поликлиникаларини ташкил этиш орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизими янада тақомиллаштирилди ҳамда аҳо-

лининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Шошқин тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона марказлашган тизими яратилди, фуқароларга, жумладан, жойларда юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатувчи республика иختисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғи тақомиллаштирилиши давом этмоқда.

Бугунги кунда кардиология, жарроҳлик, кўз микрохирургияси, урология, терапия ва тиббий реабилитация, эндокринология, пульмонология ва физиотерапия, акушерлик ва гинекология, дерматология, венерология, педиатрия ва бошқа йўналишлардаги махсус илмий-амалий тиббиёт марказларида юқори сифатли хизмат қўрсатишмоқда. Ушбу шифо муассасаларида ҳар йили 50 мингга яқин юқори технологияли мурраккаб операциялар бажарилади, 600 мингдан кўпроқ беморга амбулатор хизмат қўрсатилади. Олимларнинг долзарб мавзулардаги илмий изланишлари натижасида тиббиётнинг йилгирмадан зийд йўналиши бўйича 1000 дан ортиқ даволаш-диагностика стандартлари ишлаб чиқилди.

2016 йил — Соғлом она ва бола йилида мамлакатимиз тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналар билан жиҳозлаш учун 80 миллион доллар қўйиматидаги кредит ва грант маблағлари йўналтирилди, фарзанд кўриш ёшидаги аёллар, шунингдек, болалар тиббий қўриқдан ўтказилиб, соғломлаштирилди.

2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниб, қабул қилинган Давлат дастурида ҳам аввало инсоннинг саломатлиги, замонавий тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланиши назарда тутилган.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасини янада ривожлантириш, қўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, ёш мутахассисларни тарбиялаш жараёнига илгир таълим технологияларини кенг жорий этиш, дунёнинг етакчи тиббиёт марказлари ва ўқув муассасалари, таниқли олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликни кенгайтириш борасида ишлар давом этмоқда.

Оилаларнинг яшаш турган жойидаги санитар-гигиеник шароитни, оиладаги руҳий ҳолатини, оила аъзоларининг, айниқса, аёллар ва болаларнинг саломатлигини текшириб, тиббий, иқтимоий, руҳий ва иқтисодий

ёрдамга муҳтожларни аниқлаш ўта муҳим вазифа. Шу мақсадда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг Тиббий-иктимоий патронаж кўчма бригадалари ташкил этилди. Уларнинг манзилли хизмати орқали қанча оилалар, аҳоли соғлиғи қўриқдан ўтказилиб, мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистонда тиббий-иктимоий патронаж тизими фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида фонд томонидан тиббий-иктимоий марказ (ТИМ) ташкил этилган. Мазкур марказ томонидан оилаларнинг аҳоли ҳар томонлама ўрганилиши, гуруҳларга ажратилди, оиланинг умумий ҳолатини яхшилаш мақсадида чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бирга, тиббий-иктимоий патронажнинг

Ўзбекистон мустақиллигининг 28 йиллиги муборак бўлсин!

Шукуҳли кунлар шукронаси



Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон
ХДП фракцияси аъзоси:

— Бугун буюк бунёдкорлик сари ташлаётган қадамларимизда ўзгача шиддат бор, ўт-олов бор. Одамлар кайфиятида ажиб бир кўтаринчилик, эртанги кунга ишонч, энг муҳими, ислохотларга дахлдорлик туйғуси бор. Бу руҳ сайловчиларим билан юзма-юз мулоқотларда, учрашувларда яққол акс этапти. Ахир кечагина суҳбатимиз мавзуси тамомил бошқача эдида. Ростки, бундан 3-4 йил илгари сайловчилар билан бўлган учрашувларда пластик карточка, нақд пул муаммолари, электр энергиясидаги узлуксиз узлишлар, уй-жой танқислиги, бандлик масалалари кўтарилар эди. Сайловчиларимнинг саволлари, эътирозлари асосан қуйидагича бўларди:

— Бир оилада 5 рўзғормиз, 1 хона бўлса-да уй қиришга ер ажратишни сўраб, бош уриб бормаган идорам қолмади...

— Коллеж 3 километр узоқда. Транспорт йўқ. Бу ҳақда ҳам ўйлайдиганлар борми?

— Коллежни тугатганларга иш масаласи...

Учрашувларда қайта-қайта ана шу муаммолар тилга олинар, муаммоларнинг ечими борми ўзи, деган

саволлар кўндаланг эди.

Бугун эса суҳбатимиз мавзуси олдингиларига ўхшамайди. Юқоридagi каби дилни ўртар саволлар деярли кўтарилмади. Гўё, кечаги учрашувларда кўтарилган масалаларни, саволларни бугун ҳамма унуттандек. Шундай саволлар берилгани ёддан ҳам чиққандек. Чунки улар ўзининг ижобий ечимини топди. Бугун энг олис ҳудудда ҳам чироқ ўчмайди. Пластик, нақд пул муаммоси фақат хотираларда қолди. Ота-оналарнинг мактабларда 11 йиллик мажбурий таълимни қайта жорий этиш ҳақидаги ниятлари ҳам амалга ошди. Президентимизнинг умумий ўрта, ўрта махсус ва касб ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисидаги фармон тизимдаги муаммоларга ечим топди. Жойларда йўл-транспорт инфратузилмасининг етарлича ривожланмагани туфайли ота-оналар фарзандининг узоқ коллеждан пиёда уйга қайтишини минг хавотирда қутмайди эди.

Бугун энг катта муаммо бўлиб келган уй-жой масаласи ҳал бўлаётганидан аҳолининг қувончи чексиз. Ўзининг уйи-жойи бўлишини орзу қилганларнинг нияти амалга ошмоқда. Кам таъминланган оилалар, яқка ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотганлар ҳам бугун давлат, фуқароларнинг тинчини ўйлайдиган халқларвар сиёсат олиб борилаётганини орадан сезишмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимиз ва ҳукумат кўрадиган асосий ҳимоя чоралари энг аввало ногиронлар, етим-есирлар, қариялар, кўп фарзандли оналар, талабалар ва мактаб ўқувчилари манфаатига хизмат қилмоқда. 2018 йилнинг 24 ноябрида кишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор, «Обод кишлоқ», «Обод маҳалла» дастурларининг

ижроси давомида кўз қувонадиган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Муҳими, одамларнинг уй-жой шароити яхшиланди. Шаҳар, туманларда инфратузилмани ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу эса қатор муаммоларга барҳам беради. Оилалар яшаш тарзига, фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатади. Ёш оилаларнинг мустақиллиги, мустаҳкамлигини таъминлаш билан бирга, турли низола ва ажримларнинг олдини олади. Фаровон турмуш эса аввало тинчлик бор жойда кафолатланади. Айнан тинчлик, хавфсизлик, барқарорлик ривожланишини таъминлайди. Ҳамма соҳада мувозанатни сақлайди. Ҳар бир инсонга эртанги кунга ишонч ва умид билан қарашни ўргатади.

Ўзбекистон илк бор очиқ хусусиятга эга бўлган Мудофаа доктринасини қабул қилиб, ҳарбий соҳада мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашга доир усуллар ва ёндашувларни бутун дунёга эълон қилди. Номидан кўрииб турибдики, юртимизнинг ташқи сиёсати мудофаа руҳида тинчликпарвар сиёсат юритади. Яъни Ўзбекистон Республикаси ҳеч бир давлатни ўзининг душмани, деб ҳисобламайди ва барча мамлакатлар билан муносабатларни мамлакат миллий манфаатларининг устуворлиги асосида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва меъёрларини инобатга олган ҳолда, тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзга давлатлар ичи ишларига аралашмаслик, барча низола ва ишлар билан ҳал қилиш асосида қуради. Биз тинчликпарвар сиёсатимизни дунёга эълон қилдик.

Шунингдек, бугун Қонунчилик палатасида мудофаа тўғрисидаги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги, фуқароларнинг жамоат тартибини сақлашдаги иш-тироқи тўғрисидаги ва бошқа қонун лойиҳалари муҳокама этилмоқда. Қонун номларининг ўзиёқ, тинч-

лиқни сақлаш ҳар бир фуқаро учун шарафли бурч эканини аниқлатади. Шубҳасиз, бу тинчлигимиз, озо-йишталлигимиз, мудофаа қобилиятимизни янада юксалтиришга хизмат қилади.

Бугун сайловчиларимиз билан бўлаётган учрашувларда аҳоли қонун ижодкорлиги фаолиятимиз, қабул қилинаётган қонунлар ҳақида кўпроқ билишни истаётган, олиб борилаётган ислохотлар ҳақида сўзлашаётган. Қувонарлиси, сайловчиларимиз уй тўйларига, янги мактаб, маҳалладаги янги боғча очилиши тадбирларига таклифлар қўлайиб бормоқда. Ахир кечагина узоқ йиллар навбат кутиб турган она бугун бу боласини ўз хоҳиши ва имкониятига қараб, болалар боғчасига бермоқда. Хусусий тадбиркорлар давлат шерикчилиги асосида мактабгача таълим муассасаларини бунёд этмоқда. Маҳаллада бир неча боғчанинг борлиги туфайли навбат, деган ташвишга чек қўйилмоқда. Демак, бу муаммо ҳам ўз ечимини топмоқда.

Сайловчиларим билан бўлган байрам арафасидаги учрашувларда 85 ёшли Эргаш отанинг гурури билан айтган сўзларини эсладим:

— Кеча «Афросиёб» поезиди Тошкентга бориб келдим. Тезюрар поезд дегани юрмас экан, учаркан. Яқин-яқингача қушимиз, тунимиз йўлда ўтар эди. Тошкентдан Қаршигача 10-12 соатлаб юрардик, бугун ёшлар бунга ишонмайди...

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимиздаги ўзгариш ва янгиликларни ҳар бир юртдошимиз кўриб, ҳис этиб, қувониб турибди. Халқимизда бир аjoyиб мақол бор: «Ортинга қараб, бугунга боқиб шукр қил, олдинга қараб фикр қил». Шукроналик ҳисси эртанги эзгу ишларимизга замин ҳозирлайди. Ҳар биримиз масъулия ва фидойилик билан меҳнат қилсак, янги марралар бизники бўлади, юртимиз янада гуллаб яшнайди. Ватан обод, болаларимиз бахтли яшайди.

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ



TASHKENT CITY кўкка бўй чўзмоқда

Конгресс-холл биноси икки қаватдан иборат бўлиб, унинг марказида катта ва кичик залларга трансформация бўладиган 4 минг ўринли холл мавжуд. Бундан ташқари, бир вақтнинг ўзида 8 делегацияни қабул қилиш имкониятига эга қўшимча заллар ҳам бор. 21 қаватли беш юлдузли «Hilton» меҳмонхонада 258 хона, 3 ресторан, банкетлар зали ҳамда 6 мажлислар зали мавжуд.

Бугунги кунда конгресс-холл ва меҳмонхона қад кўтариб бўлган. Ички пардозлаш, электр тармоқлари тортиш, декоратив панелларни монтаж қилиш ишлари якунланмоқда. Муҳандислик-коммуникация тармоқларини ўрнатиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Мустақил мамлакатда — мустаҳкам одимлар



Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси
аъзоси:

— Бугун истиқлолнинг 28 йиллигини миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини ошириш, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда манфаатларини рўйбоқ қилиш, энг муҳими, юртимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш ҳамда халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш бора-сида амалга оширилаётган ўзига хос, мутлақо янги ёндашувларга асосланган ислохотлар даврида кутиб олмақдамиз. Президентимиз таъбири билан айтганда, бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига қадам қўймоқда.

Дарҳақиқат, ўтган даврга назар соладиган бўлсак, юртимиз чин мустақилликка эришганидан кейинги йилларда улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўламиз. Мамлакатимизда барча соҳаларда катта-катта ислохотлар амалга оширилмоқда ва натижалар ҳам шунга яраша бўлмоқда. Хусусан, машинасозлик, енгил санаят ва кўплаб бошқа соҳаларда ривожланиш ўз навбатида халқимизнинг турмуш даражаси ошишига, аҳоли бандлигини таъминлашга ижобий самара берганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Албатта мазкур ўзгаришлар миллий Парламентимиз фаолиятида ҳам юз бермоқда. Давлатимиз Раҳбари ўз маърузаларида ислохотларимиз самарасини оширишда депутат ва сенаторларнинг ўрни сезиларли даражада олиши лозимлиги тўғрисида алоҳида таъкидлаб ўтган.

Депутатларнинг нафақат назорат-таҳлил фаолияти, балки қонун ижодкорлиги фаолияти ҳам жойлардаги муаммоларни бартараф этишга йўналтирилмоқда. Шу мақсадда ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти институти, фуқаролардан олиш йўлга қўйилди.

Албатта, бу борада халқ мурожаати билан ишлашнинг Давлат Раҳбари таклиф этган янги тизими, яъни «жамоа бўлиб электрон мурожаат киритиш тартиби»нинг жорий этилгани муҳим аҳамият касб этди. Интернет тармоғида «Менинг фикрим», деб номланган махсус веб-саҳифа ўрнатилиши халқнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини янада кенгайтиради ҳамда «қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муалли-

фи том маънода халқ бўлиши»ни амалда таъминлайди. Бундай веб-саҳифа орқали юртдошларимиз давлат ва жамият ҳаётига дахлдор муҳим масалалар бўйича ўз фикрларини эркин билдириш имконига эга бўладилар.

Тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш, иқтисодий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатимиз ташқи сиёсий фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий қўллаш амалиётининг устувор вазибалари саналади. Давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ролини қучайтириш, иқро этувчи ҳокимият фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш, қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини сезиларли даражада яхшилаш чоралари кўрилади.

Парламентнинг назорат борасидаги фаолияти самардорлигини ҳам оширмоқда. Парламент эшитиши, Ҳукумат соати каби институтлардан кенроқ фойдаланишимиз ҳамда парламент назорати якуни бўйича таъсирчан чораларни қўришимиз парламент назоратини амалга оширишдаги фаолиятимизни анча қучайтириб, такомиллаштирмоқда.

Шунингдек, қонунларнинг мукамаллигини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис палаталари юридик хизматлари негизда Юридик бошқармалар ва Давлат бюджетни ижроси устидан самарали парламент назоратини таъминлашда депутатларга профессионал, мустақил ва ҳолис ахборот-таҳлилий, экспертлик хизмати кўрсатувчи Давлат бюджетни бошқармаси ташкил этилди. Бу фаолиятимиз самардорлигига албатта, ўз таъсирини кўрсатади. Шу ўринда Қонунчилик палатаси депутатларининг ўз қонунчилик ташаббуслари ҳуқуқидан фойдаланаётганини алоҳида қайд этиш лозим, деб ҳисоблайман. Ҳар бир йилнинг 6 ойида депутатлар томонидан киритилган қонун лойиҳалари 13,8 фоизни ташкил этди. Мисол қилиб оладиган бўлсак, Қонунчилик палатаси томонидан жорий йилнинг 1 ярим йиллигида 50 та қонун, ҳамда 3 та қўйил палата қарорлари қабул қилинди.

Ҳар бир юртдошимиз кўтлуг байрамни қатта ҳаяжон, фахр ифтихор билан кутиб олмақда. Бунинг кундалик ҳаётида кўплаб юртдошларимиз мисолида қўришимиз, ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Бизнинг олдимизга қўйган мақсадларимиз аниқ, у ҳам бўлса, халқимиз яхши ҳаёт кечирари учун шароит яратиш, халқаро майдонда мавқеимизни янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Бир сўз билан айтганда, бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни, халқимизнинг осуда ҳаётини, гўзал ва бетакорр Ватанимизни, чегараларимизнинг дахлсизлигини кўз қорачиқда авайлаб асрашимиз зарур. Зеро, юртимиздаги тинчлик, хотиржамликнинг қадрига етиш ҳар биримизнинг ўз ишимизга масъулиятини янада оширишни, фаолиятимизда бунёдкорлик сари интилишни таъкид этади. Чунки давлатимиз раҳбари айтганидек, халқимиз эртага эмас, узоқ келажақда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни қўришни истади. Бизнинг меҳнат-каш, оққўнгил, бағрикенг халқимиз бунга тўла ҳақи бор.

Имконият ва масъулият


ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИГА

**Барчамиз
давлатимиз
мустақиллигининг
28 йиллигини катта
қувонч, фахр-ифтихор
билан нишонлаймиз.
Лекин мамлакатимиз
аҳолисининг бир
қатлами борки, унинг
учун бу байрам
алоҳида аҳамиятга эга.
Бу қатламини ташкил
этувчилар – ёши
улуғларимиз, бобо-ю
момоларимиз, кўпни
кўрган кексаларимиз.**

Улар йигирманчи асрнинг алғов-далғовлари, шўро замонининг оғир кунлари, фожиаларини кўрган, шахсан бошдан кечирганлар, қарамлик, тобелик нималигини чуқур англайдиганлар. Улар орасида Ватан мустақиллиги, халқимиз эрки-озодлиги учун курашиб, таъқиб қилинган, ҳаттоки қатағонга учраганлар ҳам оз эмас. 70-80 ёшли отахонлар онахонлар истисол арафасидаги сиёсий, иқтисодий, маънавий инқирозларни, мамлакатимиз дуч келган қийинчиликларни ҳам яхши билишди.

Яна бир ҳақиқат шунақки, кексаларимиз Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинишининг жонли гувоҳи, ушбу тарихий воқеага тегишли замин яратилиши иштирокчилари ҳамдирлар. Улар миллий истиқлолнинг нималигини, у нима учун ҳаётий зарурат эканлигини дастлаб идорқ эълонлаган, «ахир, биз яққаланиб қолдик, энди нима қиламиз?», Бошқаларнинг кўмагисиз кунимиз не кечади?» деган кайфиятдаги қийинларга мустақилликнинг мазмун-моҳиятини тўшунтиришга ҳаракат қилганлар, ўзларининг буюклимас ирода, мустаҳкам эътиқодлари билан бошқаларга намуна бўлган кишилардир.

Мустақиллиқни мустаҳкамлаш йўлида тиним билмай курашганлар ҳам бугунги кекса авлод. Мустақилликнинг дастлабки йиллари жуда мураккаб ва таҳлилкачи кечганлиги маълум. Ўшанда ҳозирги фахрийларимизга шўро давлатининг нотўғри сиёсати оқибатида ноҳор ахлолга тушиб қолган, иқтисодиётимизни тиклаш, мар-



казлашган иқтисодиёт ўрнида бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этиш, ўтиш даври вазиятида келиб чиққан иқтисодий қийинчиликларни бартараф этишга тўғри келди. Уларнинг олдида турган муҳим вазифалардан бири узоқ йиллар давомида одамлар онгига синдирилган коммунистик ғоялардан жамиятни ҳалос этиш ва миллий истиқлол ғояларини, Ватанимиз келажаги порлоқлиги, имкониятларимиз улканлигига ишонч туйғуларини халқимиз қалбига жо этиш эди. Бу ўтиш даврининг етакчи вазифаларидан энг қийини эди, чунки узоқ йиллар ичда шаклланиган дунёқараш ва одатлардан воз кечилиши талаб қилинар эди. Бу бир уринишда ёки бир-икки йилда ҳал қилинадиган иш эмас, балки ҳозир ҳам давом этаётган мураккаб жараёндир.

Ҳўш, мустақиллик бизга нима берди? Мустақиллик туфайли биз, биринчидан, ўзлгимизни таниб олдик, ким эканлигимизни англаб етдик. Биз кўп минг йиллик тарихга эга бўлган, аждодларимиз, буюк мутафаккирлар дунё тамаддунига катта ҳисса қўшган, ҳеч кимдан кам бўлмаган халқимиз. Бизда, эндиликда, халқимизнинг ақл-идроки билан юртимиздаги ер усти ва ости бойлиқларидан оқилона фойдаланиб, замонавий техника ва технологиялар, инновацион ғояларга таянган ҳолда мамлакатимизни янада гуллаб-яшнашга имконияти кенг.

Бугун иқтисодий-иқтисодий ислохотлар янги босқичга кўтарилди, миниминглаб ёшлар тадбиркорликка тортиди, аёлларни иш билан банд этиш

учун ўнлаб янги корхона ва цехлар ташкил этилди. Таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари чуқур ислох қилинмоқда, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш чоралари кўрилмоқда.

Мустақиллик туфайли халқимиз учун яна бир муҳим имконият туғилди: жаҳон сиёсий харитасида пайдо бўлган суверен Ўзбекистон давлати халқаро ҳаётнинг фаол иштирокини бўлди. 2017 йилнинг охиридадан бошлаб, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистоннинг минтақамиздаги барча давлатлар билан яхши қўшничилик муносабатлари юксак даражага кўтарилди, савдо-иқтисодий, маданий ва гуманитар алоқалар кенгайди, умумий муаммоларни биргаликда ҳал этишга интилиш кучайди.

Ўзбекистоннинг бугунги ташқи сиёсатидаги яна бир муҳим жиҳати — бу мамлакатимизнинг халқаро имижини билан бирга иқтисодий-иқтисодий ва маданий ривожланиш дастурларини амалга оширишга чет эл таъжриба ва инвестициялари, техника ва технологияларидан, қўлаверма мутахассисларидан кенг фойдаланишга йўл очиб бермоқда.

Мустақиллиқнинг ўзига яраша масъулият ҳам бор. Бу шундан иборатки, мустақиллиқни қўлга киритган халқ ўз тақдири, келажаги учун қай-гуришни, масъулиятни ўз зиммасига олади. Ўз-ўзидан тушунарлики, бу барча даражадаги давлат органлари (Олий Мажлис, ҳукумат ва давлат маҳаллий идоралари)дан ўз ваколатлари доирасида самарали ишлаш,

Собир ҚУРБОНОВ,
ЎзХДП фахрийси.

Мақтаб деворлари маънавиятдан, хоналари одоб — ахлоқдан, сабоқлари билим — маърифатдан иборат бўлиши лозим.



«ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ ҚИЗГИН МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Таълим тизимига ҳар бир давлат, ҳар қайси мамлакатда энг муҳим ва устувор масала сифатида қаралади. Аслида ҳам, қачонки фуқаролар маърифатли, маънавиятли ва мустақкам соғлиққа, билимга эга бўлса, ўша давлат қудратли бўлади. Вақт, тараққиёт таълим тизимида ҳам янгиликлар яратишни тақазо этади. Шундан келиб чиқиб, янги тахрирда тайёрланган таълим тўғрисидаги қонун лойиҳаси парламент фракциялари ва кўмиталар йиғилишларида атрофлича муҳокама қилинмоқда. Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари ҳам мазкур лойиҳасини кенг муҳокама қилди.

Таъкидландики, ушбу лойиҳа маориф тизимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга хизмат қилиши лозим. Соҳани тубдан такомиллаштириш ва таълимни халқро ҳақамият билан уйғунлашган ҳолда олиб бориш учун кенг имкониятлар яратиш назарда тутилган.

— Лойиҳага катта ёшдагилар таълими, — махсус таълим, инклюзив таълим, яқка тарбида педагогик фаолият билан шугулланиш масалалари билан боғлиқ моддалар ки-

ритилмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоев. — Шунингдек, давлат-хусусий шериклик, инвестиция қилириш, давлат назоратини таъминлаш, муассасаларнинг ўзини ўзи баҳолаши ҳам назарда тутилмоқда. Асосийси, таълим иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, соҳада экспериментал ва инновацион фаолият ҳамда шу каби бошқа янги асосий моддалар ўрин олмақда.

Янги тахрирдаги лойиҳада таълим олувчиларни ўқиши ёки педагог кадрларни ўз фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа ишларга жалб этишнинг тақиқланиши назарда тутилган. Бундай ҳолатларга йўл қўйилса, муассаса раҳбари жавобгар этиб белгиланмоқда. Соҳадаги давлат бошқарув органларининг ваколатлари ва таълим муассасаларининг фаолияти эркинлигини кенгайтириш ҳам лойиҳа моддаларида акс эттирилган.

Умуман олганда, мазкур лойиҳа узок ўйланган, аҳолининг талаб ва тақлифлари, фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда қайта тайёрланди. Ўқитувчилар ҳамда ўқувчиларнинг манфаатлари кенгайтирилиб, ҳуқуқлари янада мустақамланмоқда. Улардан талаб қилинадигани фақатгина пухта билим бериш.

— Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев. — Аммо

бу борада ҳаёт талабидан келиб чиқётган масалалар, ечимини куётган муаммолар ҳам оз эмас. Масалан, ўқитувчи бўлган муносабат, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мазмун-моҳияти, сифати, ота-онанинг бола тарбиясидаги масъулияти билан боғлиқ масалалар ҳам борки, улар миллат тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар қандай кишини ўйлантиради.

Бугун мамлакатимиз аҳолиси 33,5 миллион нафардан ортиқ. Унинг 60 фоиздан кўпроги 30 ёшгача бўлган ёшларни ташкил этади. Фарзандларимизни асраш, уларга тўғри таълим-тарбия бериш эса ҳар биримизнинг ҳам ота-она, ҳам мутахассис, ўқитувчи сифатидаги бурчимиздир. Шунинг учун Президентимиз мазкур масалани давлатнинг энг муҳим вазифаси даражасида кўрмоқда. Ўқитувчи ва мураббийлар, тарбиячилар меҳнатини қадрлашга эътибор қучайди. Уларнинг ойлик маоши бир неча баробарга оширилди, моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Демак, ўқитувчи ўз

мақомини қайта тиклади. Эндиликда, уларга қўйиладиган талаб ҳалол ва виждонан ишлаш, ўғил-қизларимизга тўғри ва муносиб билим беришдан иборат.

Мана шулар инобатга олинган ҳолда янги тахрирдаги қонун лойиҳаси тайёрланди. У сўнгги икки ярим йил ичида соҳадаги ижобий ўзгаришларни қамраб олишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Лойиҳада таълим соҳасида кўп қўлланиладиган «таълим ташкилотли», «давлат аккредитацияси», «инклюзив таълим», «таълим кампуси», «икки томонлама диплом («Double diploma»)» каби асосий тушунчаларга изоҳ берилмоқда. 11 йиллик умумий ўрта таълимнинг жорий этилиши, касб-хунар коллежларининг ислоҳ қилиниши натижасида узлуksиз таълим турларидаги ўзгаришлар ўз аксини топмоқда.

Қонун лойиҳасига оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш, таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш билан бир қаторда, таълим олувчилар ва ота-оналарнинг (қонуний вакилларнинг) ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлигини белгилашга оид меъёрлар киритилган.

Эътиборли жиҳатларидан яна бири, таълимга оид ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми, уларни тузиш, қайта ташкил этиш ва тутатишга оид янги меъёрлар ўрин олмақда.

Республикаимиз таълим соҳасида нодавлат таълим хизматлари учун кенг имкониятлар яратилгани боис, нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш ва фаолиятини лицензиялашга оид тартиблар белгилаб қўйилмоқда. Хорижда ўқиш, чет эл давлатларида таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг тан олинishi масалалари алоҳида моддаларда кўрсатилмоқда. Қонун лойиҳасида илк бор мамлакатимизда бутун умр таълим концепцияси илгари сурилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, янги қонун лойиҳаси бугунги даврга халқро стандартларга ҳар томонлама мос ва хос равишда ишлаб чиқилган. Табиийки, қонун айрим жузъий камчиликлар, тахрирдаги хатолардан ҳам холи эмас. Бироқ мазмундан ва моҳиятан такомиллаштирилган лойиҳани фракцияимиз аъзолари қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда мазкур қонун лойиҳасининг нақадар муҳим ва зарурлигини эътиборга олган ҳолда, уни умумхалқ муҳокамасига киритиш лозимлиги таъкидланди.

МУНОСАБАТ

Яна бир ҳақиқат шундаки, мактабни қиладиган куч ўқитувчилар ҳисобланади. Президентимиз раислигида 23 август куни таълим тизимига бағишланган видеоселектор йиғилишида бу сўзлар алоҳида таъкидланди.

Чиндан ҳам, мактаб ҳар биримизга оқ-қорани танитган, ўзлигимизни, ўзимизни англашга замин қўйган маскан саналади. Унинг деворлари маънавиятдан, хоналари одоб-ахлоқдан, сабоқлари билим-маърифатдан иборат бўлиши лозим. Видеоселектор йиғилишида мана шу масалалар атрофлича таҳлил қилиниб, янги ўқув йили ва ундан кейинга мўлжалланган вазифаларга эътибор қаратилди. Унда айтилган ҳар бир фикр, билдирилган тақлифлар жамоатчилик томонидан мамнуният билан қўтиб олинди. Мутахассислар, сиёсий ва илмий арбоблар, депутатлар ҳамда бошқа соҳа вакиллари мазкур масалада ўз муносабатларини билдирмоқда.

МАКТАБ — таълим-тарбиянинг асосий пойдевори



Турсунпўлат НОРБОВЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда инновацион ва ноанъанавий фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш, шу мақсадда таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Куни кеча бўлиб ўтган йиғилишда ҳам мактаб таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ва олдимизда турган долзарб вазифалар ҳақида фикр юритди. Маҳмудўжа Бехбудийнинг «Дунё иморатлари ичида энг улуги мактабдир» деган фикрини алоҳида таъкидлаб, бу масаланинг моҳияти ва аҳамиятига атрофлича тўхталди.

Ҳақиқатан ҳам, жаҳондаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгаришига қаратилган ислохотлар аввало таълим тизимидан, боғча, мактаб, тарбия масаласидан бошланганини кўраемиз. Чунки мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгариштириб бўлмайди. Тарбиянинг асоси таълим, пойдевори мактабдир. Унинг мавқеи эса ўқитувчилар меҳнати ва саъй-ҳаракатига боғлиқ.

Президентимиз соҳага эътибор берилмагани тўғрисида анча йиллар орқадамиз, кадрлар етишмаяпти, мактабгача таълим объектларини йўқотганимиз, деб таъкидлади. Ўтти даврида ҳўжалик, ташкилот, муассасаларнинг тасарруфиди барча мактабгача таълим даргоҳларини мулк тасарруфидан чиқарамиз, деб йўқотиб юборганимиз ҳақиқат.

Бир эслайлик, чиндан ҳам, энг обрўли шахс ота-она ва ўқитувчимиз бўлган. Узок йиллар маҳаллада ишлаганман. Барчага ҳар томонлама ўрнатиб бўла оладиган касб эгаси ҳам, намунали оила соҳиб ва соҳиббаси ҳам, фарзандларни ўқимишли, билимли фидойилар ҳам азиз ўқитувчилар эди. Шунинг учун инсон дунёга келишида азиз ота-онанинг, ўзида яхши фазилат ва хислатларнинг мужассам бўлишида эса ўқитувчилардан миннатдор бўлиши лозим.

Йиғилишда ўқитувчининг мақоми ва нуфузини ошириш, ҳуқуқлари ва имтиёзларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. «Мактаб ўқитувчисини моддий рағбатлантирмасдан, унинг ҳаёт сифати даражасини оширмасдан, ислохот, натижа ҳақида гапириб бўлмаслиги таъкидланди. Ўқитувчи қачон биз кутган фарзандларимизни тарбияли билимли, дунё қарашини кенг, интеллектуал салоҳиятли, ўз ватани ва халқини севувчи, комил инсонни жамиятга етказиб бера олади? Қачонки, уларга барча шароитлар яратиб берилса, оиласидан кўнгли тўқ бўлса, мактаб ташқирисидан барча ишларни давлат бажарса, кутилган натижага эришилади.

Минг афсус, яқин йилларга қадар ўқитувчилар пахта йигим-теримига жалб этилиб, мактаб директорлари терим отрядига раҳбарлик қиларди. Мактабларга темир-тераск режаси берилар, пахта мавсуми охирида пахта етказишга шартнома тузган фермер хўжаликлари раҳбарларини топа олмайдан туман раҳбарлари мактаб директорларидан кўнлик пахта режасини талаб қиларди.

Бугун буларнинг барчасига чек қўйилди. Таъкидланганидек биз бу масалани олдинроқ кўтара олмадик, бунга тайёр эмасдик. Бунинг бир қанча объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта.

Президент қўётган талаб мактабни ўзгартирмасдан туриб, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Қайси лавозимда бўлишдан қати назар, ўзи тахсил олган мактабига бориши, керак бўлса, ҳаётий тажрибасидан дарс бериши, фарзандлари неваралари келажагидан, таълим тарбиясидан хабар олиб туриши зарур. Мазкур ҳолат ҳар биримизнинг ҳам оталик, ҳам оналик, бобо ва момолик бурчимиздир. Биз буни қандай бажаримиз? Мана, масала қаерда.

Бугунги кунда сир эмас, мактабларда ота-оналар мажлисига келганларнинг қарийиб 90 фоизи аёллардир. Демак, эркаклар фарзандларимиз невараларимиз келажагига бефарқимиз, деб хулоса қилиш мумкин.

Таълим-тарбия ишларини самарали олиб боришда эркак ўқитувчиларнинг алоҳида ўрни ва таъсири борлиги ҳисобга олиниб, қўрилган аниқ чора-тадбирлар натижасида таълим тизимида 12871 нафар эркак ўқитувчи қайтди. Мактаблардаги камчиликларни тузатиш, таълим сифатини назорат қилиш учун ота-оналар, кенг жамоатчиликнинг иштироки зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мактаб — бу ҳаёт-мамонт масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши зарур. Демак, биз ишни аввало фарзандларимиз, невараларимиз таълим-тарбиясига муносабатимизни ўзгариштирдан бошлашимиз лозим.

Саҳифани «Ўзбекистон овози» муҳбири Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТАШАББУСИ БИЛАН

Мулоқотда партиянинг марказий, минтақавий кенгашлари масъуллари, Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Соғлиқни сақлаш, Иқтисодиёт ва саноат, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари вакиллари, экспертлар иштирок этди.

Йиғилишда асосий эътибор кўпчилиكنи ўйлантириб келаётган, долзарб ижтимоий масалаларга қаратилди. Хусусан, охириги пайтларда кўллаб тушунмовчиликларга сабаб бўлаётган «кам таъминланганлик» даражасини белгилаш бўйича аниқ мезонлар мавжуд эмаслиги билан боғлиқ масала атрофлича муҳокама қилинди. Мазкур ҳолат ижтимоий нафақаларни белгилаш, моддий ёрдам кўрсатиш жараёнида қатор чалкашликларга сабаб бўлаётгани таъкидланди. Бу масалада халқро амалиётини ўрганиш, яшаш минимумида яшаш саватчаси каби меъёрларни мамлакатимиз қонунчилигида мустақамлаш зарурлиги қайд этилди.

Айтиш керакки, яшаш минимуми кўрсаткичлари давлат томонидан ижтимоий сиёсат юритишда қўлланилади. Хусусан, аҳолининг турмуш даражасини баҳолаш учун яшаш минимумидан паст, тенг ва юқори даромадли аҳоли салмоғи аниқланади. Шу асосда аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш учун аниқ этиб борадиган манзилли ижтимоий ёрдам қўрсатилди. Энг кам иш ҳақи, ижтимоий нафақа ва пенсиялар миқдорини асослашда фойдаланиладиган ушбу кўрсаткич кам таъминланганлик мезони ҳамдир. Видеомулоқотда ана шулар ҳақида сўз борар экан, қонунчилик талаби тўлиқ бажарилмаётгани, ундаги айрим чалкашликлар сабабли турли муаммолар юзга келаётгани айтиб ўтилди. Жорий этилган меъёрлар бугунги давр талабига мос келмаяпти. Натижада кам таъминланганлик, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтожликни аниқлашда қатор англашилмовчилик ва тушунмовчиликлар кузатиляпти, дейилди

йиғилишда.

Меҳрож ДАРХОНОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Бу муаммони бартараф этиш учун қонунчиликни мустақамлаш зарур. Масалан, ҳақиқатдан эҳтиёжманд ва давлат кўмагига муҳтож бўлган кам таъминланган, жумладан, турли сабабларга кўра, оиланинг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини таъминлай олмайдиган кам даромадли оилалар ва ёлғиз фуқаролар бор. Балоғатга етмаган болалари бўлган кўп болали, боқувчисини ногирон ёки меҳнат қобилиятини қисман йўқотган сурункали касал оилаларга ҳам кўмак бериш лозим. Шунингдек, вақтинча ишсизлар, ёлғиз пенсионерлар ва бошқа ўта муҳтож оилаларни аниқлаш керак. Уларга доимий ёки вақтинчалик яшаш жойи бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш тартибини белгилашда қулайликлар назарда тутувчи меъёрлар киритиш зарурати пайдо бўлган.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги қарори билан тасдиқланган низомига асосан амалга оширилади. Шунга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ишлари 3 йўналишда олиб борилмақда. Яъни, булар — 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа тайинлаш ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартибини назарда тутди. Бироқ амалдаги низомида кам таъминланганлик, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтожликни аниқлашда қатор англашилмовчиликлар кузатиляпти, дейилди



НАВБАТДАГИ ВИДЕОМУЛОҚОТ

кам таъминланганлик даражасини белгилаш мезонлари муаммолар ва ечимлар масаласига қаратилди

чилик ва тушунмовчиликлар кузатиляпти. Демак, янги тахрирдаги қонунга эҳтиёж сезилмоқда.

Мақсадимиз бугун муаммолар ҳақида гапириш эмас, уларга ечим топиш йўллариини излаш, ўрганиш ва фикр алмашишдан иборат. Қисқа қилиб айтганда, истеъмолат саватчасини ҳисоблашда юртимиз ҳам жаҳон тажрибаси, Озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхати ва уларни истеъмолат қилишнинг кўнлик ўртача минимал тиббий меъёрлари тўғрисида тақлифлар, фикр-мулоҳазалар биз учун муҳим саналади. Йиғилишда, шунингдек, мутахассислар истеъмолат саватчаси минимал озиқ-овқат савати муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлашди. Минимал истеъмолат саватчининг белгилаш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Қайд этилдики, аҳолининг муносиб ҳаёт кечирishi «яшаш минимуми» ва «истеъмолат саватчаси» асосида даромадларни аниқлаш йўли билан таъминланади. Халқро тажрибада «яшаш минимуми» — одам организмни нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш ва унинг саломатлигини сақлаш учун етарли бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари тўпламининг, ижтимоий ва маданий эҳтиёжларини

ни қондириш учун зарур бўлган ноозик-овқат товарлари минимал тўпламининг қиймат миқдори ҳисобланади. «Истеъмолат саватчаси» эса одам ёки оиланинг ойлик (йиллик) эҳтиёжининг одатий даражаси ва тузилмасини тавсифловчи товарларнинг ҳисобланадиган намунавий тўпламидир.

«Истеъмолат саватчасини» жорий қилиш бугунги кунда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириб бориш, энг кам миқдордаги ижтимоий стандартларни ишлаб чиқиш, яшаш учун керак бўлган маблағнинг энг кам миқдорини аниқлаш тизимини жорий этиш масалалари катта аҳамиятга эга.

Қолаверса, «истеъмолат саватчининг белгилашда иссиқ ёки совуқ табиий-иклим шароити, аҳолининг асосий ижтимоий-демографик гуруҳлари, ноозик-овқат товарлар ва хизматлар истеъмолат қилинишидаги миллий анъаналар, маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунинг учун Халқ демократик партияси инсон саломатлигини

сақлаш, унинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозик-овқат товарлар ва хизматларнинг намунавий минимал турлари рўйхатини ишлаб чиқиш бўйича тақлифларни ўрганоқда.

Видеомулоқотда муҳокама этилган масалалар бўйича олдинда турган вазифалар аниқ белгилаб олинди.

Аввало, яшаш минимуми ва истеъмолат саватчаси ҳамда уларни қўллаш тартиби юзасидан халқро амалиётни чуқур ўрганиш чиқиш бўйича мутахассислар, олим ва экспертлардан иборат таркибда ишчи гуруҳ тузилди. Гуруҳ аъзолари халқро амалиётни ўрганиб, тақлиф ва хулосаларини тайёрлайди. Шу асосда Халқ демократик партиясининг аниқ позицияси ишлаб чиқилади.

Шунингдек, яшаш минимуми ва истеъмолат саватчаси билан боғлиқ меъёрларни қонун даражасида мустақамлаб, амалиётга жорий этиш вазифасини партиянинг янги Сайловолди дастурига киритиш, иккита муҳим йўналишда «Яшаш минимуми тўғрисида» ва «Истеъмолат саватчаси тўғрисида» қонун лойиҳалари концепцияларини тайёрлаш масаласи қўрилади.

Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

РИВОЖЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН:

беш устувор йўналиш ва беш ташаббус моҳияти

БИРИНЧИ МАҚОЛА

Беш – илоҳий рақам. Одамнинг қўли ва оёғида бештадан бармоқ бор. Ер юзининг бешта қитъасидагина инсон яшайди. Беш юлдуз – дунёдаги энг машҳур рамзлардан. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғида ҳам 12 та кичик беш юлдуз акс эттирилган. Таълим тизимида баҳолашнинг анъанавий бешлик тизими мавжуд. Беш «аъло» баҳо ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, одамлар: «Ишим зўр!», «Ишим аъло!» демоқчи бўлса: «Ишим беш!» дейди. Исломда бешта фарз мавжуд. Уматларга беш вақт намоз буюрилган. Халқимиз умрни «беш кунлик дунё» дейди ва ҳоказо.



2017 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган бешта йўналиш бўйича мамлакатимизда тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Охириги йилларда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий муносабатларнинг мазмун-моҳияти, жамиятимиз қиёфаси бутунлай ўзгарди. Бундай ижобий ўзгаришлар юрдошларимиз ҳаётида ўз ифодасини топапти. Халқимизнинг турмуш даражаси, онг-тафаккури, билим ва маданиятини ошириш бўйича катта ишлар қилинди.

Кейинги уч йил мобайнида мамлакатимизда ислохотлар жараёни янги даврга кирди. Модернизация суръатлари жаддалашди. Айнан ана шу беш йўналишда беқибс сил-жишлар юз берди. Табиийки, мамлакатимиз янги босқични бошдан кечирапти. Агар таъбир жоиз бўлса, давлатнинг халққа қайишиши жараёни бошланди. Халқни рози қилиш мақсадга айланди. Масала: «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак!» тарзида қўйилди.

Мамлакатимиз ҳаётида юз берган бу янги қадамлар ўртасида изчил мантаний боғлиқлик бор. Улар замирида халқ ва давлат бирлиги кўзда тутилган.

«Давлат», «мамлакат», «ҳукумат», «ҳокимият», «жамият», «халқ», «миллат», «халқ ҳокимияти» тушунчалари бор. Бир қарашда, ҳаммаси содда, ҳаммаси тушунарли. Ростини айтганда, «мамлакат» билан «давлат»ни, «давлат» билан «ҳукумат»ни, «ҳукумат» билан «ҳокимият»ни, «жамият» билан «халқ»ни, «халқ» билан «миллат»ни, «халқ» билан «халқ ҳокимияти»ни ва ҳоказоларни бир-биридан яхши ажрата олмайдиганлар оз эмас.

Демократик тузумда буларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида тушулча. Айтилиш, давлат билан ҳукуматни обдон фарқлаб олаётган бўлиб, давлат ва жамият вазифалари ўртасидаги тафовутни ҳам аниқлаштириб олиш




мушкул. Чунки демократик тузумда давлат вазифалари билан жамият вазифалари ўзаро қатъий чегараланади, яъни ўртада ишлар ўзаро тақсимлаб олинади.

Биласиз, Ўзбекистон – ёшлар мамлакати. Аҳолиимизнинг 30 фоизини 14 дан 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Фарзандларимизнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаш учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетини ҳам шунча кучли бўлади.

Биз эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи бўлиши ёш авлодимизнинг янги-янги, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдирини аниқлашда катта ҳисса қўладиган кўндалар билан бўлади. Шу тариқа мамлакат бўйлаб янги ҳаракатлар бошланди кетди. Минтақа ва ҳудудларимизда ана шу беш ташаббусни ҳаётга жорий этишнинг янги-янги йўллари, усул ва услублари намоён бўла бошлади. Хусусан, Тошкент вилоятининг Бўка туманида бу соҳада ўзига хос тажриба шаклланди. Мамлакатимизнинг турли минтақа ва ҳудудларидан соҳа мутахассисларидан иборат гуруҳлар келиб, «Бўка тажрибаси»ни ўрганиб кетишди. Яхши анъаналар кенг ёйилмади.

Ташаббус ташаббуслигича қолиб кетмаслиги керак. Ўртага ташланган беш ташаббуснинг ижроси доимий равишда шахсан Ўзбекистон Республикаси Президентининг назоратида




турибди. Шу йилнинг 19 март куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлоднинг маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда, жумладан, беш ташаббусни кенг жорий этиш мақсадида барча ҳудудларга мутасадди раҳбарлар масъул қилиб бириктирилди. Шунингдек, бу вазифаларга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи раҳбарлари шахсан масъул ва жавобгар этиб белгиланди.

Орадан 15 кун ўтиб, яъни 3 апрель куни Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга жорий этиш масалалари бўйича яна йиғилиш ўтказди. Унда ана шу беш ташаббус бўйича ишлаб чиқилган алоҳида-алоҳида дастурлар лойиҳалари муҳокама қилинди. Бу дастурлар 2019 – 2020 йилларда амалга оширилаётган ишларни ўз ичига қамраб олган.

Бешта ташаббус амалда таълим билан тарбияни узвий, яъни бир-бирига алоҳида эътибор қаратган ади. Вилоятда ёшлар таълим-тарбияси, маънавият ва маърифат, спорт соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан ҳам танишди. Президентимизга вилоятда китобхонликни кенг тарғиб қилиш концепцияси ҳақида ҳам маълумот берилди. «Маънавиятимиз, гуруҳ-ифтхоримиз биринчи ўринга чиқадиган вақт келди. Фарзандларимизни ана шундай етук авлод қилиб тарбиялаш учун барчамиз масъулмиз. Биз бунинг учун маблағ ва вақтни аямаймиз», – деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари ушбу сафардан қайтганидан кейин махсус йиғилиш ўтказиб, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди, ёшлар тарбияси билан боғлиқ беш ташаббусни ўртага ташлади.



Давлатимиз раҳбари ушбу сафардан қайтганидан кейин махсус йиғилиш ўтказиб, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди, ёшлар тарбияси билан боғлиқ беш ташаббусни ўртага ташлади.

Шу тариқа мамлакат бўйлаб янги ҳаракатлар бошланди кетди. Минтақа ва ҳудудларимизда ана шу беш ташаббусни ҳаётга жорий этишнинг янги-янги йўллари, усул ва услублари намоён бўла бошлади. Хусусан, Тошкент вилоятининг Бўка туманида бу соҳада ўзига хос тажриба шаклланди. Мамлакатимизнинг турли минтақа ва ҳудудларидан соҳа мутахассисларидан иборат гуруҳлар келиб, «Бўка тажрибаси»ни ўрганиб кетишди. Яхши анъаналар кенг ёйилмади.

Ташаббус ташаббуслигича қолиб кетмаслиги керак. Ўртага ташланган беш ташаббуснинг ижроси доимий равишда шахсан Ўзбекистон Республикаси Президентининг назоратида

турибди. Шу йилнинг 19 март куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлоднинг маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда, жумладан, беш ташаббусни кенг жорий этиш мақсадида барча ҳудудларга мутасадди раҳбарлар масъул қилиб бириктирилди. Шунингдек, бу вазифаларга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи раҳбарлари шахсан масъул ва жавобгар этиб белгиланди.



рига чамбарчас ҳолда олиб боришдек олий мақсадни кўзда тутди.

Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир устувор йўналиши ҳамда бешта ташаббуснинг ҳар бири бўйича қилинган ишлар тўғрисида кейинги мақолаларимизда фикр юритамиз.

Инсон мақсадсиз яшай олмайди. Халқ ҳам. Аввало, мақсадларни аниқ белгилаб олиш, кейин эса уларга эришиш йўлида тинимсиз интилиш лозим.

Ҳар бир мамлакат раванги объектив ва субъектив шароитлардан келиб чиққан ҳолда амалга ошади. Объектив шароит бўлса-ю, субъектив шароит бўлмаса ҳам ёки, аксинча, субъектив шароит бўлса-ю, объектив шароит бўлмаса ҳам, тараққиёт юз бериши қийин кечади.

«Объектив шароит» деганда мавжуд реал имкониятлар, «субъектив шароит» деганда эса одамларнинг онг-тафаккури, салоҳияти, тарбияси, маънавият кўзда тутилади. Объектив имкониятлардан унумли фойдаланиш – бевоосита одамларга, демакки, субъектив омилига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳам, ёшлар таълим-тарбиясига қаратилган бешта ташаббус ҳам амалда мамлакатимиздаги мавжуд имкониятлардан имкон қадар унумли фойдаланиш, яъни субъектив омилни кучайтиришга қаратилган. Интиланга эса албатта, толеъ – ёр.

Султонмурод ОЛИМ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

БИЛАСИЗМИ?

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНИ ХОДИМИ...



Қонунчиликка кўра, агар ички ишлар органи ходими жиммасига юклатилган мажбуриятларни куч ишлатмасдан туриб бажаришининг илоҳи бўлмаса, у қуйидаги ҳолларда куч ишлатиши, жумладан қуранининг жанг усулларини қўллаши мумкин:

— жиноятларга ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш учун;

— жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни энг яқиндаги ички ишлар органига ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб бориш ва бу шахсларни ушлаб туриш учун;

— ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатилишини бартараф этиш учун.

Жисмоний куч ишлатилиши шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари хусусиятига ва ҳавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Жисмоний куч ишлатилганлиги ва махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида ички ишлар органлари прокурорга дарҳол хабар бериши шарт.

ҲИСОБГА ОЛИШ УСКУНАЛАРИНИ ҚИЁСЛАШ БҮЙИЧА ЯНГИ ТАРТИБ



«Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) очиб, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида» Ҳукумат қарори қабул қилинди (698-сон, 20.08.2019 й.).

Қарор билан электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини қиёслашдан ўтказиш бўйича маъмурий регламентлар тасдиқланди.

2019 йил 1 ноябрдан бошлаб ҳисобга олиш ускуналарини қиёсладан ўтказиш бўйича давлат хизматлари фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилади.

Ҳисобга олиш ускуналарини қиёслаш даврийлиги: — юридик шахслар учун – 4 йил; — жисмоний шахслар учун – 8 йилни ташкил этади.

НОСТРИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТАРТИБИНИ БИЛАСИЗМИ?



Қонунчиликка кўра хорижий давлатда олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Талабгор Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиши мумкин.

Бунда 669 000 сўм миқдорига йиғим ундирилади. Ҳужжатлар Эксперт комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, ижобий ёки салбий ҳулоса берилади.

Ижобий ҳулоса берилган талабгор таълим олган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича тест синови топширади.

Тест натижалари бўйича минимал балл (55 балл ва ундан юқори) олган талабгорнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатлари тан олинади (нострификация қилинади).

МАСЖИДЛАР ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ОЧИЛАДИ?

Диний ташкилотлар Ҳукумат томонидан тасдиқланган махсус низомга асосан адлия органларида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Маҳаллий диний ташкилотлар, шу жумладан масжидларни давлат рўйхатидан ўтказиш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар тегишли ҳудудий адлия органига тақдим этилади.

Адлия органи томонидан ушбу ариза уч ойгача муддатда кўриб чиқилади ва рўйхатдан давлати ёки рад этиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинади.

Эслатиб ўтамоқчи, диний ташкилотлар фақат давлат рўйхатидан ўтқандан сўнгра юридик шахс макромига эга бўлган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Нуқуқий Аxbоро» канали.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси сиёсий фанлар доктори, профессор Нарзулла Жўраевга турмуш ўртоғи

Санобархон ВОХИДОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош оториноларинголог, Соғлиқни сақлаш аълочили, олий тоифали шифокор

Матчон КУРЯЗОВнинг вафоти муносабати билан бир гуруҳ дустлари марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Маданий меросимиз дунё аҳли нигоҳида

Қўкон шахрида 10-15 сентябрь кунлари «Халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик» Халқаро фестивали бўлиб ўтади

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

Ўзбек халқ амалий санъат ва ҳунармандчиликда кўп йиллик тарихга, бой маданий меросга ва ўз анъаналарига эга. Йиллар давомида устоз-шогирдлик мақомида отадан-болога, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳунармандчиликнинг қулоччилик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, каштадўзлик, бешиқсозлик, заргарлик каби кўплаб турлари мавжуд.


Ҳунармандчилик маҳсулотлари фақатгина санъат намунаси бўлиб қолмай, қундалик ҳаётимизда кенг фойдаланиладиган ва ишлатиладиган буюмлар ҳисобланади. Масжиду мадрасаларнинг шифтларидаги ганчкорлик ишлари ва уларнинг эшигу устунларини беаган ёғоч ўймакорлиги маҳсуллари бунга яққол мисол бўла олади. Бешиқ кириб бормаган бирорта ўзбек хонадони бўлмаса керак, халқимиз севиб истеъмол қиладиган паловни уста қуллоллар ясаган сопол лаганларда тановул қилишнинг гашти ўзгача. Келинчақ ва қизларимиз севиб тақадиган балдоқлар, узуклару билакузуклар, зебигардон каби беҳисоб тақинчоқларнинг ижодкорлари ҳам шу ҳунармандлардир.

Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг 10-15 сентябрь кунлари Қўкон шахрида ўтказиладиган «Халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик» Халқаро фестивали ана шу маданий меросимизни дунё аҳлига танитиш ва бошқа элларнинг миллий ҳунармандчилик дурдонала-

ридан баҳра олиш учун қилинаётган ҳаракатдир.

Фестивалга Республика миқёсида кенг тайёргарлик кўриломоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлар Марказий архиви ташаббуси билан Қўкон шахри ҳокимлиги билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Унда томонлар ўз вазифа ва мақсадларини белгилаб олдилар. Архив томонидан мазкур фестиваль доирасида ҳунармандчилик тарихини ёритувчи фотоқўрама ва мавзуга оид кино ҳужжатлар намоиши ташкиллаштирилади.

Архивда турли соҳа ва йўналишларга оид XIX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозиргача бўлган даврларни ўзига акс эттирган фотоҳужжатлар сақланади. Бу ерда ўзбек миллий ҳунармандчилиги ривожини, сулопалар, устоз-шогирд анъаналари акс этган ноёб фото ва киноҳужжатлар сақланиб келинмоқда. Ҳунармандчилик соҳасига оид кўплаб қизиқарли, тарихий фотоҳужжатларни қидириб топиш ва улар асосида кўплаб илмий ишлар



олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Архив ходимлари фестивал доирасида ташкил этилиши кўзда тутилган фотоқўрама учун архив фондида сақланаётган тарихий кино ва фотоҳужжатларни танлаш ва саралаш билан шугулланмоқда. Танланган фотоҳужжатларга ўзбек, рус ва инглиз тилида аннотациялар ёзиш ишлари олиб бориламоқда.

Фестивалда намоиш этилиши режалаштирилаётган миллий ҳунар-

мандчиликка ва Қўкон тарихига оид киноташмаллар қайтадан кўриб чиқилиб, сифат ва мазмун жиҳатидан назоратдан ўтказилмоқда. Бу фильмлар фестивал ўтказиладиган кунлари Қўкон шаҳрининг турли ҳудудларида намоиш этилади.

Фестиваль доирасида «Ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатини ривожлантириш истиқболлари» мавзусида халқаро илмий-амалий конфе-

ренция ўтказилади. Унда ҳунармандчилик ва амалий санъат мавзусида маърузалар тингланади, тақдимотлар ўтказилади.

Моҳиҳебра РАЖАБОВА, Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлар Марказий давлат архиви етакчи архивчиси.

Қутловлар

«ФАРҒОНА ЁҒ-МОЙ»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон аҳлини, соҳа ходимларини
ва мижозларини мамлакатимиз
Мустақиллигининг 28 йиллик тантаналари
билан чин дилдан табриклайди!*



*Хонадонларимиздан тинчлик-осойишталик,
дастурхонимиздан қут-барака аримасин!*

«Ўзбекистон темир йўллари»
АЖ тизимидаги

«САЛОР ТЕМИР
ЙЎЛ МАСОФАСИ»

жамоаси

*халқимизни
Мустақиллигимизнинг
28 йиллик байрами билан
муборакбод этади.*

*Серқуёш диёримизнинг
осмони ҳамиша
мусаффо, истиқболи
порлоқ, сарҳадлари
тинч ва осуда бўлсин!*

28



«Ўзбекистон темир йўллари»
АЖ тизимидаги

«ТОШКЕНТ ТЕМИР
ЙЎЛ МАСОФАСИ»

жамоаси

*бунёдкор халқимизни энг улуғ, энг азииз
айём — Ўзбекистон Республикаси давлат
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ
шодиёнаси билан қутлайди!*

*Озод Ватанимиз равнақи, эл-юрт манфаати
йўлидаги эзгу ишларингизда омад ва
муваффақиятлар тилайди.*

**ЮРТИМИЗДА ТИНЧЛИК ҲАМИША
БАРҚАРОР БЎЛСИН!**



Реклама ва қўтловлар

«ШҲҲҲҲ ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ»



масъулияти чекланган жамияти жамоаси:

— Юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги

йўлида фидокорона меҳнат қилаётган

ҳамюртларимизни мамлакатимиз

Мустақиллигининг 28 йиллиги билан қўтлаймиз!



QIZILOQQURILISHBANK

Барча юрtdoшларимизни
мамлакатимиз

Мустақиллигининг

28 йиллик

байрами

билан самимий
табриклаймиз.ФУРСАТДАН ФОЙДАЛАНИБ, МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ҚҲИДАГИ
ЯНГИ ОМОНАТ ТУРАЛИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

“Инсон манфаати” —

омонат муддати — 13 ойdan 25 ойгача,
фойз ставкаси — йиллик 20 %.

“Келажак бунёдкори” —

омонат муддати — 25 ойdan 36 ойгача,
фойз ставкаси — йиллик 21 %.

Ушбу омонатларга қисқартirilgan фойзалар ҳар ойда тўлаб бериллади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардан
омонатларини сақолатлаштириш фондига қўйилган қисқартirilgan фойзалар билан.“Қишлоқ қурилиш банк” —
фаровон ҳаётингиз хизматида!

© (79) 150-72-53, 150-95-29

www.qizilobank.uz

Барча юрtdoшларимизни мамлакатимиз
мустақиллигининг 28 йиллиги билан самимий
муборакбод этамиз! Юртимиз тинч, осмонимиз
мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Mahmud TOIR

Qalandar ABDURAHMONOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiiddin MUHIDDINOV

Shuhrat JALILOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

To'loqin TO'RAKONOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71) 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71) 233-47-80, (71) 233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
boshmaxonasida chop etildi.Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni
chiqadi.«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 951. 3540 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 00:50.

Topshirilgan vaqti — 02:50.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон sahifasi
QR-kodni telefoningiz orqali
4 okaner kiling.

1 2 3 4 6